

Багоят хилма хил чизгилар: гоҳ кенг ва қора, гоҳида енгил ва шаффоф, баъзан эса энг нозик ўргимчак тўридек кўз илгарилгамас; қисқа ва майда, узун ва қайшишқоқ, аниқ ва силлиқ; мувозий, ўзаро кесишган, айқаш-уйқаш бўлиб чигаллашган чизгилар ёхуд шунчаки нуқталар – буларнинг барчаси турфа хил вазифаларни итга тергандек бирин-кетин ҳал этиши имконини беради.

Бадиий тилнинг лўнда ва аниқлиги, ҳаёт илгари суроётган талабларга тезкор мослашии графикани оператив санъатга, уни кенг оммага тақдим этиши имконияти эса тасвирий санъатнинг энг оммалашган турига айлантирмоқда.

Банк иши ҳам, графика санъати сингари жамият тараққиёти қонунларига таяниб, айни шундай йўналишларга асосланган ҳолда ривожланади. Банк тизими оддийликдан мураккаблик сари юксалиши худди шу йўналишда боради. Графика каби банк ҳам “жонли организм”га ўхшаб, замонавий турмуши тарзи унинг олдига қўяётган талабларни акс эттиради. Булар – тезкорлик, ишдаги пишиқ ва пухталик, бажарилаётган операцияларнинг аниқлиги. Ҳозирги шароитда банклар шунчаки хизматлар тўплами эмас, балки ҳақиқатан ҳам ягона яхлитликни вужудга келтирувчи муносабатлар ва алоқаларга эга бўлган кўплас элементлардан иборат банк тизимини ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг
2009 йил учун
ЙИЛЛИК ҲИСОБОТИ

Йиллик ҳисобот тузилиши:

- 1. БОШҚАРУВ РАИСИННИГ КИРИШ СҮЗИ.....**
- 2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИ
ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ ЯКУНЛАРИ.....**
- 3. БАНК 2009 ЙИЛДА ОЛИБ БОРГАН ФАОЛИЯТНИНГ АСОСИЙ
ЯКУНЛАРИ.....**
- 4. БАНК ХАЛҚАРО САҲНАДА.....**
- 5. КОРПОРАТИВ БАНК
Филиаллар тармоғи.....**
- Кредит фаолияти.....**
- Ипотека ва истеъмол кредитлари бериш.....**
- Лойихаларни молиялаш.....**
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш.....**
- 6. ЧАКАНА БАНК.....**
- Омонат операциялари.....**
- Пластик карточкалар.....**
- 7. ИНВЕСТИЦИЯ БАНКИ.....**
- 8. БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ РИВОЖЛАНИШИ.....**
- 9. БАНК ХОДИМЛАРИ.....**
- 10. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАСВИРИЙ
САНЪАТ ГАЛЕРЕЯСИ.....**
- 11. 2010 ЙИЛ УЧУН ВАЗИФАЛАР.....**
- 12. АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ.....**

Бошқарув Раисининг кириш сўзи

Қадрли мижозлар ва ҳамкорлар.

Ҳозирги кунда Миллий банк Ўзбекистон Республикасининг энг барқарор ва ишончли банкларидан бири ҳисобланади. 1991 йилда асос солинган Ўзмиллийбанк мана кўплаб йиллардирки, мамлакатнинг энг йирик кредит ташкилотлари орасида муносиб ўринни эгаллаб келмоқда. Банкнинг ўз сармояси 670,2 млрд. сўмни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич бўйича ҳам, фойдалилик даражаси бўйича ҳам Ўзмиллийбанк Ўзбекистон банклари орасида биринчи ўринда турибди.

Ҳозирги вақтда Миллий банк кенг филиаллар тармоғига эга универсал тижорат банкидир. Унинг филиаллар тармоғи барча турдаги банк хизматларини тақдим этади. Инвестиция бизнеси, лойиҳаларни ва ташки савдони молиялаш, активларни бошқариш, хусусий ва корпоратив мижозларга ҳисоб-китоб-касса хизматлари кўрсатиш, ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш шулар жумласидандир.

Банк мижозлар учун доимо очиқ ва ҳар қандай талабларга жавоб беришга тайёр туриб, замонавий банк маҳсулотлари ҳамда хизматларининг барча турларини таклиф қилаяпти. Истисносиз барча мижозларга юксак даражада хизмат кўрсатилаётганлиги, вақт билан синалган ишончлилик, менежмент соҳасидаги юксак профессионализм, ишдаги тезкорлик, шунингдек Банкнинг ўз сиёсатини шакллантиришда ва амалга оширишда ҳамиша давлат манфаатларини эътиборга олишга интилиш Миллий банкка йил сайн яхши молиявий натижаларга эришиш имконини бериб келмоқда.

Банк томонидан ишлаб чиқилаётган кредитлаш дастурларининг барчасида миллий саноатнинг асосий тармоқларини – тараққиёти бутун мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий шуъбасига хайрли таъсир кўрсатувчи ўша “ўсиш нуқталари”ни қамраб олади.

Миллий банк фаолиятининг стратегик йўналишлари халқ хўжалигининг юксак технологияларга асосланган ва ижтимоий муҳим тармоқларини қўллаб-куватлаш, ишлаб турган корхоналарни модернизациялаш ва юксак самарали янги ишлаб чиқаришларни жорий этиш чора-тадбирларини молиялаш, кичик бизнесни қўллаб-куватлаш, импорт қилинаётган истеъмол моллари ўрнини босувчи, маҳаллий хом ашё ресурсларини қайта ишлашга асосланган ишлаб чиқаришларни барпо этиш ва ривожлантиришдан иборат. Мамлакатимизнинг йирик ишлаб чиқарувчилари, кичик ва хусусий бизнес корхоналари Банкнинг асосий қарз олувчиларидир.

Банк инвестицияларининг аксарияти нефть қазиб олиш ва нефтни қайта ишлаш, машинасозлик, озиқ-овқат саноати, рангли ва қора металлургия, тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳаларини, алоқа, транспорт ва сайдёнлик инфраструктурунинг ривожлантиришга қаратилган.

Миллий банк кейинги йилларда минтақавий бўлимлар ва филиалларда аҳолига банк хизматларини тақдим этиш ҳисобига ўз чакана бизнеси йўналишини фаол ривожлантирайпти, Банкнинг минтақавий тармоғи эса доимий равишда кенгайиб бормоқда. Катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ипотека кредитлари оммавий маҳсулотлар орасида устувор ўрин туттган.

Миллий банк ўз барқарорлигини ошириш ҳамда фойда манбаларини диверсификациялаш учун бор куч-гайратини сарфлаяпти, корпоратив мижозлар сонини кўпайтириш, филиаллар тармоғини ривожлантириш йўналишида доимий иш олиб бораяпти, иқтисодиётнинг реал шуъбаси корхоналари кредитланишини кенгайтирайпти, банк хизматларининг янги турларини жорий этмоқда. Миллий банкнинг молиявий барқарорлиги Moody's ва Standart&Poor's халқаро рейтинг агентликлари томонидан тақдиқланган.

Президент Ислом Каримов раҳбарлигига олиб борилаётган ислоҳотлар, айниқса турмушнинг барча соҳаларини эркинлаштириш сиёсати мамлакатимизни ривожлантириш учун янгидан-янги имкониятларни очиб бермоқда. Республика мустақилликнинг навбатдаги йилига бозор иқтисодиётига ўтишнинг муваффакиятли амалга оширилаётган дастури, базавий тармоқлар юксак даражада ривожланиши ҳамда макроиқтисодий кўрсаткичлар барқарор ўсиши шароитида кириб бораяпти.

Миллий банкнинг молиявий сиёсати иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ривожлантиришда кўмаклашибина қолмасдан, айни пайтда кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-куватлаб, бундан буён ҳам мамлакат иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашда ёрдам беради. Банк ўз мижозларига анъанавий банк операцияридан бошлаб, манфаатли тарифлар бўйича бизнесни ривожлантиришнинг стратегик дастурларини ишлаб чиқишгача бўлган ғоят кенг доирадаги хизматлар тўпламини таклиф этишга тайёр.

Банк Бошқаруви ва шахсан ўз номимдан Миллий банкнинг барча мижозлари ва ҳамкорларига улар кўрсатаётган ёрдам, билдираётган ишонч ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун миннатдорчилик билдираман.

Ҳурмат билан,
Бошқарув Раиси
С.Рахимов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ 2009 ЙИЛДАГИ АСОСИЙ ЯКУНЛАРИ

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози чуқурлашган шароитда 2009 йил аввало, бошқарувнинг бозор тизимиға ўтишда Ўзбекистон танлаган “ўзбекча модель” учун чинакам синов даври бўлди.

Мамлакатни ривожлантириш, янгилаш ва модернизациялаш стратегияси тўғри танланганлиги, 2009 йилда бутун куч ва имкониятлар 2009-2012 йиллар учун қабул қилинган Инқирозга қарши қураш дастурини бажаришга сафарбар этилгани туфайли, жаҳон инқирози билан боғлиқ хавф-хатарларга қарши турга билишгина эмас, айни пайтда иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда барқарор суръатлар таъминланишига, шунингдек аҳолининг фаровонлиги оширилишига ҳам эришилди.

2009 йил якунларига кўра, ЯИМ ўсиши 8,1%ни ташкил этди. Давлат бюджети ЯИМга нисбатан 0,2% миқдоридаги профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси эса белгиланган кўрсаткичлардан ошмади ва 7,4%ни ташкил этди.

ЯИМ таркибида мулкчилик шакллари бўйича умумий ҳажмининг 81,3% иқтисодиётнинг нодавлат шуъбасига (2008 йилда 79,6% эди), 18,7% давлат шуъбасига тўғри келади. Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан ЯИМ умумий ҳажмининг 50,1% ишлаб чиқарилди. Бу эса 2008 йилдагига (48,2%) нисбатан 1,9% кўп. Шу жумладан, кичик корхоналар ва микрофирмалар ЯИМнинг 31,2%ни вужудга келтирди. Бу, 2008 йилдагидан 1,7% ортиқ.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиёт реал шуъбаси корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган чора-тадбирлар катта аҳамиятга эга бўлди. Бу ишлар биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, кооперацион алоқаларни кенгайтириш, барқарор ҳамкорлик муносабатларини йўлга кўйиш, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотига бўлган ички талабни рағбатлантириш орқали амалга оширилди.

Тармоқлар бўйича олганда энг кўп сонли корхона ва ташкилотлар савдо ва умумий овқатланиш соҳасида (рўйхатга олинган корхоналар умумий миқдорига нисбатан 26,3%), қишлоқ хўжалигига (фермер хўжаликларисиз – 22,8%), саноатда (11,6%) ва қурилиш соҳасида (7,9%) рўйхатга олинди. Рўйхатга олинган корхоналар умумий миқдорида мулкчиликнинг нодавлат шаклига мансуб корхоналар улуши 92,7%ни ташкил этди. Шулардан 54,3% – фермер ва дехқон хўжаликлари, 20,8% – хусусий корхоналар, 0,9% – хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар, 0,3% – акциядорлик жамиятлари, 16,4% – бошқа корхоналар.

2009 йилда 45,7 мингта янги корхона ва ташкилот рўйхатга олинди. Тармоқлар бўйича тузилишига кўра, янги рўйхатга олинган корхоналарнинг 24,5% қишлоқ хўжалиги улушига, 26,1% савдо ва умумий овқатланиш соҳасига, 14,9% саноатга тўғри келади.

Сўнги йилларда эришилган ютуқлар, бу – аввало, чуқур ўйланган, узоқ истиқболга мўлжалланган, иқтисодиёт тузилишини тубдан ўзгартириш ва диверсификациялаш, қисқа муддатларда локомотив вазифасини ўтовчи мутлақо янги тармоқларни шакллантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш дастурини амалга ошириш, замонавий бозор инфратузилмасини барпо этиш борасида ўз вақтида мамлакатда бошланган ишлар натижасидир.

2009 йилда ташқи савдо айланмаси 21.209,6 млн. АҚШ долларини, шу жумладан МДХ мамлакатлари бўйича 8.006,2 млн. АҚШ доллари ва бошқа мамлакатлар бўйича 13.203,4 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Бунда ташқи савдо айланмаси умумий


ҳажмида 11.771,3 млн. АҚШ доллары экспорт операцияларига ва 9.438,3 млн. АҚШ доллары импорт операцияларига түғри келди.

Экспорт ҳажми 2,4% ўсиб, ташки савдо операциялари бўйича ижобий савдо баланси 2.333,0 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

Экспорт импортни қоплаши кўрсаткичи 124,7%ни ташкил этди. Ҳолбуки, аввалги йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 118,4% эди.

Республика ташки савдо айланмаси ҳажмида МДХга кирган ва бошқа мамлакатларнинг қиёсий салмоғи

фоиз ҳисобида



Ташки савдо тузилишида чуқур ижобий ўзгаришлар юз берди. Кейинги йиллар давомида тайёр рақобатбардош маҳсулот улуши барқарор ўсиб бораётганлиги ҳамда хом ашё тармоқлари томонидан етказиб бериувчи маҳсулотнинг қиёсий салмоғи пасаяётгани аниқ кузатилмоқда. Ташки савдо муносабатларининг географиясида сифат ўзгаришлари юз бераяпти. Бунга, аввало, ўсиб бораётган Осиё бозори билан савдо айланмаси ортиши сабаб бўлмоқда.

Республикада қулай инвестиция муҳити яратилганлиги таркибий ўзгартишларни жадаллаштирувчи бош омил бўлиб хизмат қилди. 2009 йил январь-декабрь ойларида асосий сармояга йўналтирилган, ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажми 12.531,9 млрд. сўмни ёки 2008 йил январь-декабрь ойларидағига нисбатан 124,8%ни ташкил қилди. Йўқтисодиётнинг ишлаб чиқариш тармоқларида 9.491,2 млрд. сўмлик (умумий ҳажмга нисбатан 75,7 фоиз) ва ноишлаб чиқариш тармоқларида 3.040,7 млрд. сўмлик (24,3 фоиз) инвестициялар ўзлаштирилди. Курилиш соҳасида амалга оширилган инвестиция лойиҳалари ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. 2009 йилнинг январь-декабрь ойларида 2.862,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Бу эса, 2008 йилнинг шу давридагига нисбатан 133,1%ни ташкил этди.

Курилиш ишлари умумий ҳажмининг 80,6% янги қурилиш обьектларига, корхоналарни реконструкциялаш, кенгайтириш ва техник қайта жихозлашга, 15,4% капитал ва жорий таъмирлаш ишларига ҳамда 4,0% бошқа пурдат ишларига түғри келди.

2009 йил январь-декабрь ойларида саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажми 28.009,3 млрд. сўмни ёки 2008 йил январь-декабрь ойларидағи даражага нисбатан 109,0%ни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 2008 йил январь-декабрь ойларидағига нисбатан 113,9% ёки 8.809,0 млрд. сүмлик истеъмол моллари, шу жумладан 3.631,6 млрд. сүмлик озиқ-овқат маҳсулотлари (107,0%), 5.177,4 млрд. сүмлик ноозиқ-овқат моллари (119,3%) ишлаб чиқарилди.

2009 йил январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажми 12.642,6 млрд. сўмни ёки 2008 йил январь-декабрь ойларидағига нисбатан 105,7%ни ташкил этди. Шу жумладан, 7.224,0 млрд. сўмлик ўсимлиқшунослик маҳсулотлари (105,9%), 5.418,6 млрд. сўмлик чорвачилик маҳсулотлари (105,5%) ишлаб чиқарилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида нодавлат шуъбасининг қиёсий салмоғи 99,9%ни ташкил этди.

Қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот таркибида дехқон хўжаликларининг улуши 63,3%, фермер хўжаликлари улуши 34,5% (32,5 %), қишлоқ хўжалиги корхоналари улуши 2,2 % (2,2%)ни ташкил қилди.

2009 йилда давлатга 3.401,9 минг тонна пахта хом ашёси сотилди. Бу эса, аввалги йил даражасига нисбатан 100%ни ташкил этади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотлари улуши 42,9%ни ташкил қилди.


2010 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, барча тоифалардаги хўжаликларда йирик қорамоллар сони 486,0 минг бош ёки 6,1% кўпайиб, 8.510,8 минг бошни ташкил этди.

Иқтисодий ўсишни таъминлашда, янги иш жойлари яратилиши ва бандлик муаммолари ҳал этилишида, аҳолининг даромадлари ва фаровонлиги ўсишида тобора каттароқ аҳамият касб этиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш ва у жадал ривожланишини рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳисобот даврида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан 4.739,4 млрд. сўмлик саноат маҳсулоти (бутун республика саноат ишлаб чиқаришининг 16,9%) ишлаб чиқарилди. Бу эса, 2008 йил январь-декабрь ойларидағи даражага нисбатан 121,5%ни ташкил этди. Айни пайтда 2.966,6 млрд. сўмлик инвестициялар (республика бўйича ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 23,7%) ўзлаштирилди. Бу эса 2008 йил январь-декабрь ойларидағи даражага нисбатан 131,2%ни ташкил қилади. Шу билан бирга, 2.855,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 41,6%) бажарилди. Бу кўрсаткич 2008 йил январь-декабрь ойларидағи даражага нисбатан 117,4%ни ташкил этади. Шунингдек, республика чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 46,5% шакллантирилди. Бу кўрсаткич 7.671,0 млрд. сўмни (ўсиш – 12,8%), пуллик хизматлар, тегишлича – 48,7% ва 3.067,6 млрд. сўмни (13,3 %) ташкил этди, 1.723,6 млн. АҚШ долларлари ҳажмидаги маҳсулот экспорт қилинди (экспорт умумий ҳажмининг 14,6%). Бу эса 2008 йил январь-декабрь ойларидағи даражага нисбатан 121,4 %ни ташкил этди. Импорт қилинган маҳсулотлар ҳажми 4.015,1 млн. АҚШ долларини (жайми импортнинг 42,5%ни) ёки 2008 йил январь-декабрь ойларидағига нисбатан 116,0%ни ташкил этди. 8.402,3 минг киши ёки иқтисодиёт бўйича ишлаётган барча аҳолининг 74,2% иш билан бандлиги таъминланди. Шу жумладан, хусусий шуъбада ишловчилар 6.446,2 минг кишини, кичик корхоналар ва микрофирмаларда ишловчилар 1.956,1 минг кишини ташкил этди.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик улуши

умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида



Барқарор мақроиктисодий ривожланиш шароитида Ўзбекистон банк тизими мамлакат иқтисодиётида тобора муҳимроқ аҳамият касб этмоқда.

Республикада 2009-2012 йиллар учун қабул қилинган, мамлакат молиявий-иктисодий, бюджет, банк-кредит тизимлари барқарор ва узлуксиз ишлашини таъминловчи инқирозга қарши қарорлар комплекси пухта ўйлангани ва ўз вақтида ишлаб чиқилганлиги инқироз таъсирини юмшатиш ҳамда бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Қабул қилинаётган чора-тадбирлар кейинги икки йил давомида тижорат банкларининг жаъми сармоясини 2 баравар кўпайтириш имконини берди. Мамлакат банкларининг сармояси етарлилиги даражаси 23%дан ортиқ. Бу эса, Базель қўмитаси томонидан белгиланган ҳалқаро стандартларга нисбатан деярли 3 баравар юқори.

Активлари ҳажми қўшиб ҳисобланганда мамлакат банк тизимининг 90%дан ортигини ташкил этувчи 14та тижорат банки Moody's, Standart&Poor's ва «Фитч Рейтингс» каби етакчи ҳалқаро рейтинг компанияларининг юксак рейтинг баҳоларини олди.

Ҳозирги кунда банкларнинг жаъми активлари аҳоли ва юридик шахсларнинг ҳисобваракларида турган маблағлар ҳажмига нисбатан 2 баравардан зиёд ортиқ бўлиб, бу активлар улар тўлиқ муҳофаза қилинишини таъминлаяпти ва тўловлар ўз вақтида амалга оширилишини кафолатламоқда.

Мамлакат банкларининг ликвидлиги ва барқарорлиги банк тизимига ишонч ортишида, корхоналар ва аҳолининг бўш пул маблағлари депозит ҳисобваракларига жалб этилишида қудратли омил бўлиб хизмат қиласапти. Аҳоли омонатлари ҳажми фақат 2009 йилнинг ўзида 1,7 баравар кўпайди. Умуман, кейинги 10 йил ичida иқтисодиётнинг реал шуъбаларини кредитлашга йўналтирилаётган ички манбалар 25 баравардан кўпроқ ўсади. Натижада, банклар кредит портфелининг тузилиши ўзгарди. Агар аввалги йилларда кредит портфели асосан ташқи қарзлар ҳисобига шаклланган бўлса, 2009 йилда мамлакат банклари жаъми кредит портфелининг 84% ички манбалар ҳисобидан шаклланди ва бу ҳолат Республика иқтисодиёти ривожланиши истиқболлари учун ғоят муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодиётнинг реал шуъбасига йўналтирилаётган кредит ресурслари умумий ҳажми 2009 йилда 2000 йилдагига

нисбатан 14 баравар күпайди. Бунда банкларнинг инвестицион мақсадларга йўналтирилган кредитлардаги улуши умумий кредит портфелида қарийб 70%ни ташкил этди.


БАНК 2009 ЙИЛДА ОЛИБ БОРГАН ФАОЛИЯТНИНГ АСОСИЙ ЯКУНЛАРИ

Доимий равишда жўшқин ривожланиб келаётган Миллий банк ўзининг банк хизматлари бозоридаги иштирокини кенгайтирмоқда: хизмат кўрсатилаётган мижозлар умумий миқдори 2 миллиондан ошди, Банкнинг жамлама баланси (миллий валюта эквивалентида) 2009 йил якунларига кўра мутлақ суммада 5 трлн. 897 млрд. сўмни, кредит портфели ҳажми (миллий валюта эквивалентида) 2 трлн. 335 млрд. сўмни ташкил этди. Унинг 75% инвестиция кредитларидир. Миллий банк сармояси 2009 йил бошидан буён 70,5 млрд. сўм кўпайиб, 670,2 млрд. сўмни ташкил қилди.


Халқаро молия ташкилотлари ва хорижий банклар томонидан тақдим этилаётган кредит йўналишларидан фойдаланиш мақсадида, Банк улар билан алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга қаратилган аниқ мақсадли сиёсат юритмоқда. Ҳозирги кунда 624та банкни қамраб олган Миллий банк вакиллик тармоғи мақбуллаштирилиши хорижий банклар билан алоқаларни мустаҳкамлашда катта ахамиятга эга.

Миллий банк – Республикада олиб борилаётган иқтисодий ўзгартишларнинг фаол иштирокчиси. Шу муносабат билан, инвестиция фаолиятига оид, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга доир давлат дастурлари, маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағлари депозитларга жалб этилишини рағбатлантириш дастурлари қўллаб-қувватланиши унинг фаолиятидаги асосий йўналишdir. Бунинг учун Банк инвестиция дастурларига киритилган лойихаларни, кичик бизнес лойихаларини ўзига тегишли, шунингдек жалб этилган ресурслар ҳисобидан молиялаш, иқтисодий начор корхоналарни молиявий соғломлаштиришда ҳамда улар бундан буён мамлакат бозорида барқарор ишленида ёрдам берадиган ресурсларни жалб этиш ишларини амалга оширайти.

2005-2009 йиллар даврида Миллий банк жамлама баланси миллий валюта – сўм эквивалентида 1.650 млрд. сўм ёки 57% кўпайди.



Миллий банк сармояси 2005-2009 йиллар даврида миллий валюта – сўм эквивалентида 200 млрд. сўм ёки 43% кўпайди.



Юксак даражадаги капиталлашув туфайли Миллий банк ўз мижозлари базасини кенгайтириш учун ҳануз катта резервга эга.

Активлар ва пассивларни бошқариш


Активлар ва пассивларни бошқариш юзасидан Банк олиб бораётган сиёсатнинг асосий мақсади ҳар бир мижознинг юқори сифатли ва ишончли банк хизматларига бўлган эҳтиёжини қондиришдан, маблағларни жамғариш ва иқтисодиётга инвестициялашдан, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожланишига кўмаклашишдан, хатарларни йўл қўйиш мумкин бўлган даражада сақлаган ҳолда маблағларни жойлаштиришдан олинадиган даромадларни кўпайтириш ва мақбуллаштириш, Банк активлари ва пассивларининг муддатлар бўйича тузилиши мувозанатига эришиш, пул оқимлари бўйича барча эҳтиёжларни қоплаш учун зарур ликвидлик даражасини таъминлаш, барқарор молиявий натижага эришишдан иборатdir.

Кўйилган мақсадларга Банк қуидаги вазифаларни ҳал этиши орқали эришиади:

- мижозларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
- стандарт технологияларни ҳар бир мижозга алоҳида ёндашув билан уйғунлаштириш асосида мижозлар билан ишлаш мафкурасини такомиллаштириш;
- операциялар рентабеллигига ҳамда бозордаги шарт-шароит баҳоланишига таянган ҳолда фоиз ва тариф сиёсатини ҳаётга тадбиқ этиш;
- Банк балансининг ресурслар муддатлари ва қиймати бўйича мувозанатланган тузилишини сақлаб туриш;
- бошқарувнинг иқтисодий воситаларига ҳамда ваколатларни тақсимлашнинг энг мақбул тизимига асосланган Банкни бошқариш тизимини такомиллаштириш;
- алоҳида операцияларни бажаришда ҳам, бутун Банк бизнесини юритишда ҳам хатарларнинг йўл қўйиш мумкин бўлган оқилона даражасини аниқлаш ва сақлаб туриш;

- мижозларнинг ишончи, банк тарихи, анъаналари ва хизмат кўрсатиш борасидаги тажриба сингари рақобатга оид афзаликлардан самарали фойдаланиш;
- ресурсларни тезкор қайта тақсимлаш ва кўп филиалли мижозларга комплекс хизматлар кўрсатиш;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган нормативларга риоя этиш, шу жумладан сармоя адекватлигини ҳамда жорий ликвидликни таъминлаш;
- актив-пассив операцияларни бажариш орқали Банк оладиган даромадларни максималлаштириш;
- Банк баланси янада ўсишини таъминлаш ва х.к.

2009 йил натижалари бўйича Ўзмиллийбанк активлари тузилиши (фоиз ҳисобида)



Активлар тузилишида катта қиёсий салмоқ – Банк барча активларининг 49% кредит операцияларига тўғри келади. Банк, аввало, иқтисодиётнинг базавий тармоқларидағи модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнларини кредитлар билан атрофлича кўллаб-куватламоқда, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, шунингдек хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначилик тармоғи ривожланишини рағбатлантираяпти, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари кредитлар орқали кўллаб-куватланишини таъминламоқда ва х.к.

Банк балансининг ликвид ҳолатини таъминловчи пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларининг қиёсий салмоғи 23%ни ташкил этди.

Ҳам ички, ҳам халқаро пул бозорларида депозитларни жойлаштириш ишлари мамлакатлар, банклар ва банк маҳсулотлари учун белгиланган лимитлар доирасида амалга оширилади.

Банкнинг асосий маблағлари ва бошқа мол-мулкининг активлар умумий тузилишидаги улуши 6%ни ташкил этди.

Инвестициялар ва қимматли қоғозларга қўйилмалар ҳажми 8%ни ташкил қилди.

Банкнинг ўз сармояси етарлилиги кўрсаткичи Миллий банк фаолиятининг сифатини тафсиловчи омиллардан бири ҳисобланади. Миллий стандартларга кўра, 1-даражали сармоя етарлилиги кўрсаткичи ва умумий кўрсаткич зарур энг кам


кўрсаткичдан ошибб (тегишлича 5% ва 10%), 2005-2009 йиллар даврида қуидагича бўлди:

	2005	2006	2007	2008	2009
1-даражали сармоя етарлилиги кўрсаткичи (%)	34,2	32,5	29,9	28,8	23,6
Сармоя етарлилиги умумий кўрсаткичи (%)	29,0	31,2	29,2	27,8	10,8

Банк пассивлари тузилишининг ўзига хос хусусияти унинг роли – банк Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестициялар ва қарзларни жалб этиш бўйича Республика Ҳукуматининг агенти вазифасини бажараётганлиги билан боғлиқдир. Банк умумий пассивларининг 20% хорижий банклар кредитлари улушига тўғри келади. Пассивлар тузилишида мижозларнинг маблағлари улуши 40%ни, шу жумладан аҳоли омонатлари 16%ни; тўланиши керак бўлган қарзлар 13%ни, Банк чиқарган қимматли қоғозлар 2%ни; Ўзмарказбанк ва Ҳукумат маблағлари 5%ни; кредит ташкилотларининг улуши 3%ни ва сармоя улуши 15%ни ташкил этди.

Пассивларни бошқаришни мақбуллаштириш мақсадида қуидаги чора-тадбирлар қўлланилмоқда: ликвид позицияни сақлаб туриш ҳамда ресурс базасини жойлаштириш муддатларига мувофиқ жалб этиш муддатлари бўйича диверсификациялаш учун контрагент банклар томонидан Банкка кредит йўналишлари очиш, ўртача қолдиқ барқарорлигини ҳамда маблағлар Банкда қолиши даражасини аниқлаш учун коэффициентлар тизими орқали мижозларнинг маблағларини таҳлил қилиш ва х.к.

2009 йил натижалари бўйича Миллий банк пассивларининг тузилиши (фоиз ҳисобида)



Активлар ва пассивларни бошқариш Банкнинг нарх сиёсати билан узвий боғлиқдир. Ушбу сиёсат самарали фаолиятни таъминлашда, фойдалилик билан ликвидлик орасидаги энг мақбул балансни сақлаб туришда ҳал қилувчи вазифалардан бирини бажаради ҳамда умумиқтисодий барқарорликни таъминлайди, Банк

мижозлари учун банк маҳсулотларининг жозибадорлигини белгилаб берувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Бизнес режа асосида, макроиктисодий омилларни, бозор шароитини ҳисобга олган ҳолда депозит омонатлари ва кредитлар бўйича базавий фоиз ставкаларининг миқдорлари ҳақида қарорлар қабул қилинади.

Активлар ва пассивларни, уларнинг фоизларга оид таъсирчанлигини бошқариш Банк балансини бошқаришнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Бундай бошқарув фоизли маржанинг етарли даражасини таъминлаб туради.

Маблағларни ишга солиш масалалари кўриб чиқилаётганида Банк ривожланиш режаларидан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тартибга солувчи талабларини ҳам ҳисобга олади.

Бундан ташқари, Банк ўз фаолиятида бир қарз олувчи ва ўзаро боғлик қарз олувчилар гуруҳига, вакил банкларга, пул ва валюта бозорларидаги операцияларга, савдони молиялаш операцияларига, давлат облигациялари билан операцияларга, савдо ва инвестиция портфелларига, валюта позициясини очиш ва бошқаларга доир лимитлар каби соҳаларда хатарлар лимитларини белгилаш ва назорат қилишнинг ўзи ишлаб чиқсан тизимларига таянади.

Миллий банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг талабларига кўра белгиланган иқтисодий нормативларни зарур даражада саклаб турибди.

БАНК ХАЛҚАРО САҲНАДА


Банк тизими минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда ғоят муҳим вазифани бажарайпти. Хорижий инвестицияларни, хусусан хорижий банклар ва халқаро молия муассасаларининг молиявий қўйилмаларини жалб этиш бу борадаги ишларнинг устувор йўналиши ҳисобланади.

Ушбу йўналишда Миллий банк етакчилик қилиб келмоқда. Чунки у жаҳон ҳамжамиятидаги етакчи молия муассасалари билан кўп йиллардан буён яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда, хорижий банклар ва халқаро молия муассасалари билан алоқаларни ўрнатиш, фаоллаштириш ҳамда мустаҳкамлаш ишларини изчил давом эттирмоқда. Бу эса, ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси халқаро молия ҳамжамиятияга қўшилишида ёрдам беради.

Миллий банк 1993 йилдан буён “The Banker” нашри белгилайдиган жаҳондаги 1000та энг йирик банклар рейтингидан жой олган. Хорижий шериклар билан ҳамкорлик давомида Миллий банк томонидан Хитой, Корея, Яқин Шарқ мамлакатлари, Фарбий ва Шарқий Европанинг банк-молия доиралари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилди.

Икки томонлама келишувлар ва меморандумлар имзоланиши банклар ҳамда молия муассасалари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини кенгайтириш, минтақавий ҳамкорлик доирасида экспорт-импорт савдо операцияларини қўллаб-қувватлаш, йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек республикадаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаш имконини бераяпти.

Хорижий банклар билан алоқаларни мустаҳкамлашда Банкнинг вакиллик тармоғи мақбуллаштирилганлиги муҳим рол ўйнамоқда. Зоро, ушбу тармоқ 624та банкни, шу жумладан жаҳоннинг 75та мамлакатига мансуб 596та хорижий банкни ва 28та Ўзбекистон банкини ўз ичига олган.



Кўплаб ҳукуматлараро комиссияларнинг аъзоси бўлган Миллий банк хорижий банклар ва молия муассасаларининг маблағларини республика иқтисодиётига жалб этиш, банклараро операцияларни такомиллаштириш, хорижий банклар билан ҳамкорликнинг янги йўналишларини ривожлантириш каби ва бошқа масалаларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш олиб боради.

Халқаро молия муассасалари билан ҳамкорлик доирасида Миллий банк томонидан Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ), Ислом Тараққиёт Банки (ИТБ), Халқаро Валюта Фонди (ХВФ), Ислом Хусусий Шуъба Корпорацияси (ИХШК), Осиё ва Тинч океани мамлакатлари молия муассасалари уюшмаси (АФИРАТО), Осиё Банкчилар Уюшмаси (ОБУ), шунингдек МДҲ таркибидаги 5 мамлакат (Ўзбекистон, Россия, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон) ва Хитойдан иборат 6 аъзоси бўлган ШХТ банклараро бирлашмаси билан ҳамкорлик позицияларини янада мустаҳкамлаш ишлари олиб борилаяпти.

Миллий банк 2005 йилдан бўён ШХТ банклараро бирлашмасига аъзодир. Ўшандан бўён банк ШХТ банклараро бирлашмаси аъзолари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда бирлашма доирасида ўтказиладиган барча тадбирларда қатнашиш юзасидан фаол иш олиб бормоқда.

Ўзмиллийбанк билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги молиявий ҳамкорлик айниқса кенг миқёс олди. Ушбу ҳамкорлик доирасида молиялаш йўналишлари воситасида инфратузилма, ижтимоий соҳалар ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳалари молияланаяпти.

Миллий банк Хитой Давлат Тараққиёт Банки билан ШХТ банклараро бирлашмаси доирасида, шунингдек молия муассаси сифатида икки йўналишда ҳамкорлик олиб бормоқда. Унинг иштирокида умумий қиймати 80 млн. АҚШ долларини ташкил этувчи икки кредит йўналиши доирасида молияланадиган инвестиция лойиҳалари ҳамда республика кичик ва хусусий тадбиркорлик лойиҳалари амалга оширилаяпти.

Миллий банк билан Хитой Давлат Тараққиёт Корпорацияси ўртасидаги техник-иктисодий ҳамкорлик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва ХХР Ҳукумати орасида тузилган Келишув доирасида 50 млн. хитой юани ҳажмидаги грантга доир ҳисоб-китоб процедуralари юзасидан Банклараро битим имзоланди.

Нуфузли халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан билдирилган катта қизиқиши ўзмиллийбанк олиб борган иш якуни бўлди.

Етакчи халқаро рейтинг агентликларининг юксак баҳосини олиш ва сақлаб туриш масаласи мамлакат банк шуъбаси ҳам, бутун иқтисодиёт ҳам халқаро молиявий-иктисодий тизимга янада муваффақиятли қўшилишининг долзарб ҳамда муҳим шарти ҳисобланади.

Ўзмиллийбанкка нуфузли халқаро агентликларнинг рейтинглари берилиши танланган ривожланиш стратегияси тўғрилигидан яна бир бор далолат беради ҳамда Банк ички ва ташқи бозорларда пешқадамлик мавқенини эгаллаб турганлигини тасдиқлади.

Ҳозирги кунда Ўзмиллийбанк мамлакатда Moody's, Standard and Poor's халқаро агентликларининг рейтингларига, шунингдек Россиядаги энг катта Эксперт РА рейтинг агентлигининг "A" рейтингига эга бўлган ва уни дадил сақлаб турган кредит-молия муассаси ҳисобланади. Берилган рейтинг баҳоси Ўзбекистондаги банк франзасининг юксак даражасини, Банк Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш ва хорижий савдо операциялари бўйича хизмат кўрсатиш борасида муҳим вазифани бажараётганлигини, шунингдек Банк сармояси соғлом даражада эканини кўрсатади.

Айни рейтинг агентликлари ва халқаро ташкилотлар у ёки бу компаниянинг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари тўғрисида ўз нуфузли фикрини билдирадар экан,

шу тариқа улар инвестиция мухитини шакллантиришнинг муҳим иштирокчиларига айланадилар.

2009 йилда “Эксперт РА” рейтинг агентлиги томонидан Миллий банкка “A” – юксак даражадаги кредит қобилияти рейтинги берилди.

“Standard and Poor’s” рейтинг агентлиги Ўзмиллийбанкка глобал шкала бўйича “B” узоқ муддатли рейтинги ва “B” қисқа муддатли рейтингини берди. Бу рейтингларнинг ҳаммаси “барқарор” деб прогнозланган.

“Moody’s Investors Service” рейтинг агентлиги глобал шкала бўйича қуидаги рейтингларни берди: банкларнинг молиявий барқарорлиги рейтинги – E+, миллий валютадаги депозитлар рейтинги – Ba3/Not-prime, хорижий валютадаги депозитлар рейтинги – B2/Not-prime.

Барча рейтинглар “барқарор” деб прогнозланган. Шундай қилиб, доимий равишда жўшқин ривожланиб келаётган Банк ўзининг банк хизматлари бозоридаги иштироқини кенгайтирмоқда. Кенг вакиллик тармоғи унга операциялар географиясини кенгайтириш, Республика корхоналари ва ташкилотларининг хорижий шериклар билан ҳисоб-китобларини ташкил этиш имкониятини бермоқда.

Республиканинг ташқи алоқалари жўшқин ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда ва халқаро ҳамкорлик борасидаги муваффақиятли амалиёт туфайли Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки кўплаб халқаро банк муассасалари, турли мамлакатлар ҳамда минтақаларнинг ҳукумат ва жамоат ташкилотлари учун халқаро саҳнада ғоят ишончли молиявий ҳамкор сифатида мустаҳкам мавқени эгаллади.

КОРПОРАТИВ БАНК


Корпоратив мижозлар билан ишлаш бизнесини ривожлантириш Миллий банкнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Ходимларнинг юксак малакаси, маҳсулотлар қаторининг рақобатбардошлиги, банк технологияларининг юксак даражасига асосланган мижозларга хизмат кўрсатиш сифати Банк томонидан муваффақиятли юритилаётган корпоратив сиёсатнинг таркибий қисмларидир. Хар бир мижозга алоҳида ёндашиш, бунда турли масалалар бўйича ўз вақтида маслаҳатлар бериш учун ҳар бир мижоз бизнес юритишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш Банк олиб бораётган ишнинг асосини ташкил этади.

Сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш, таклиф этилаётган операциялар доираси кенглиги, хусусан айланма ва асосий сармояни молиялаш, конверсия хизматлари, инвестиция хизматлари, кредит йўналишлари, савдони молиялаш, “Банк-мижоз” масофадан хизмат кўрсатиш тизими ва бошқалар – тезкорлик ва ишончлилик кафолати. Бундан ташқари, Банк юридик шахсларнинг ҳисобварақларини очиш ва юритиш, тўловларни амалга ошириш хизматларини, шунингдек барча турдаги ахборот хизматларини таклиф этаяпти.

Хозирги вақтда Банк бўлимлари ва филиалларида 120 мингдан зиёд юридик шахсларга хизмат кўрсатиласяпти ва уларнинг сони бетўхтов ортиб бормоқда.

Кўйидаги тармоқларга мансуб корхоналар Банкнинг энг йирик мижозларидандир:

- Ёқилғи-энергетика комплекси;
- Кон саноати;
- Кимё ва нефт-кимё;
- Қурилиш;
- Транспорт соҳаси;
- Тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати ҳамда чакана савдо соҳалари.



2009 йилда Банкнинг корпоратив мижозлар билан муносабатларни ривожлантириш кенгаси ҳам ўз ишини давом эттириди. Кенгаш иши стратегик муҳим корпоратив мижозларга алоҳида ёндашув, тақдим этилаётган банк маҳсулотлари ва хизматлари самарадорлиги ҳамда сифатини оширишга, Банк билан мижозлар

орасидаги ҳамкорликнинг турли жиҳатларига тааллуқли муаммолар ва масалаларни ўз вақтида ҳал этишга қаратилган.

Стратегик муҳим йирик корпоратив мижозларга, шунингдек мижозларнинг мақсадли гурухларига хизматлар кўрсатиш борасида Банк филиаллар тармоғига кенг ваколатлар берилганлиги (кредит хатарининг миқдори, мижозларнинг алоҳида операциялари бўйича тариф ставкаларини белгилаш борасида) мижозлар базасини мустахкамлашда ёрдам берди.

Филиаллар тармоғи

Филиаллар тармоғини жўшқин ривожлантириш ва бошқариш Ўзмиллийбанк фаолиятининг устувор йўналиши ҳисобланади.


Хозирги кунда республиканинг барча минтақаларида жойлашган Миллий банкнинг **90**та бўлим ва филиаллари корпоратив ва чакана мижозлар учун ўз вақтида кенг доирадаги банк хизматлари кўрсатилишини таъминламоқда.

2009 йил бўлим ҳамда филиалларни янада кўпроқ модернизациялаш ва ривожлантириш даври бўлди. Янги банк маҳсулотларини жорий этиш орқали Банк ўз мижозларига тақдим этилаётган хизматлар сифатини яхшилашга интилди.

Филиалларнинг узлуксиз иши 2009 йилда мижозлар базасини анча кенгайтириб, уларнинг умумий миқдорини 2.077,5 мингтагача кўпайтириш имконини берди.



Хизмат кўрсатилаётган мижозлар орасида айниқса чакана мижозлар миқдори анча кўпайиши кузатилди. Улар сони 2008 йилда 1.685.456тани ташкил этган бўлса, 2009 йилда 1.945.256тага етди.



Банкнинг ўз ресурс базаси мавжудлиги, кредит портфели тўғри диверсификация қилингандиги, истиқболли даромад манбалари чукур ўрганилгани ҳамда кенг доирада тақдим этилаётган, мижозларнинг энг қатъий талабларига жавоб берадиган банк маҳсулотлари Миллий банкка молия-кредит хизматлари бозорида етакчилик қилиб, бутун Республика иқтисодий шуъбаси ривожланишига қўмаклашиш имконини бермоқда.

Мижозларнинг кенг доирадаги эҳтиёжларини қондириш, қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида Банк ўзининг мини-банклари тармоғини яратиш ҳамда такомиллаштириш ишларини давом эттирди. Ҳозирги кунда Республика худудида Ўзмиллийбанкнинг **87**та мини-банки фаолият юритаяпти. Ишлаб турган **105**та маҳсус кассада аҳолидан тўловлар қабул қилинмоқда. Мини-банкларни вужудга келтириш, аввало, саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва хизмат қўрсатиш соҳасидаги корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолиятини қизгинлаштиришга, шунингдек хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг сифатли банк хизматларига бўлган талабини қондиришга қаратилган. Бундан ташқари, ривожланган мини-банклар тармоғи молия-кредит хизматлари бозорининг турли сегментларида банкнинг рақобат мавқенини мустаҳкамлаш имконини беради.

Кредит фаолияти


Иқтисодиёт тармоқлари қарор топишида Ўзбекистон банк шуъбаси иштирокининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, тижорат банклари мамлакат тўлиқ иқтисодий мустақилликни таъминлаш учун айниқса муҳтоҷ бўлиб турган тармоқларни кредитлашга алоҳида эътибор бериб келди. Бу эса, кўп жихатдан иқтисодий ўсиш учун катализатор бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий фаолият миллий банки қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун катта куч-ғайрат сарфламоқда. 2010 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, Банк кредит портфелининг ҳажми 2.335,4 млрд. сўмни ташкил этди. Бунда унинг кредит портфелининг асосий улуши узоқ муддатли кредитларга тўғри келди ва уларнинг қиёсий сармоғи 2009 йилда 79%ни ташкил қилди.

Банкнинг кредит сиёсатига мувоғик, 2009 йилда берилган кредитлар иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантиришга, ишлаб турган корхоналарни модернизациялаш ва юқори самарали янги ишлаб чиқаришларни жорий этиш тадбирларини молиялашга, кичик бизнесни қўллаб-куватлашга, маҳаллий хомашё ресурсларини қайта ишлаш асосида импорт ўрнини босувчи истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган корхоналарни барпо этиш ва ривожлантиришга йўналтирилди.

Лойиҳаларни молиялаш натижасида тармоқларга оид ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ўсишига эришилди.

2010 йил 1 январдаги ғолатта кредит портфелининг тузилиши



“Ўзбекистон Ҳаво Йўллари” МАҚ, “Ўзбекэнерго” ДАҚ, “Ўзгеобурнефтгаз” АЖ, “Ўзбекнефтгаз” МХК, Фарғона фуранди биримлар кимё заводи, “Азот” ФИЧБ, Навоий кон-металлургия комбинати, “Асл ойна” ОАЖ, “Ўзагромашсервис” уюшмаси, «Ўзтрансгаз» АҚ, Қишлоқ ва сув хўялиги вазирлиги каби корхона ва ташкилотлар 2009 йил якунлари бўйича энг йирик қарз олувчилар сафидан ўрин олди.

Хорижий банкларнинг такрор молияланган манбалари ҳисобидан лойиҳаларни молиялаш ва кредитлаш ишлари қуидаги асосий йўналишлар бўйича олиб борилди: илгари ажратилган кредит йўналишларини ўзлаштириш орқали лойиҳаларни молиялаш, янги кредит йўналишларини жалб этиш, лизинг шартномалари, факторинг операциялари бўйича хизматлар кўрсатиш, хорижий банкларнинг молиявий агенти вазифаларини бажариш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига кирган лойиҳаларни молиявий жиҳатдан таъминлаш.

Кафолатлар беришдан савдони молиялаш воситаси сифатида фойдаланиш давом этаяпти ва кенгаймоқда. Кафолатларнинг асосий қисми экспорт контрактлари бўйича бўнак тўловлари қайтарилиши кафолатларига тўғри келади. Шунингдек, тўлов кафолати, контрактлар бажарилиши кафолати, тендер кафолати каби кафолатлар берилаяпти. Ички бозорда бундай кафолатлардан фойдаланиш амалиёти кенгаймоқда.

Ипотека ва истеъмол кредитлари бериш

Кредит ишлаб чиқариш узлуксизлиги ва кенгайишига, ишлаб чиқариш тузилишининг ўзгаришига, сармоядан фойдаланиш оқилоналиги ва самарадорлиги ортишига, у илғор корхоналар ва лойиҳаларга қайта тақсимланишига таъсир кўрсатади, пул айланмасини ҳамда пул массаси тақсимланишини таъминлайди, харид қобилиятини кучайтиради, истеъмол даражасини оширади. Кредитлар пул массаси ҳажми ва тузилишига, пуллар айланishi тезлигига ва тўлов айланмаси кўрсаткичларига фаол таъсир қиласди.

Истеъмол кредити кенгайиши талаб ортишига, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш ва фаровонлик даражаси ўсишига олиб келади. Холбуки, истеъмол кредитлари

берилиши биринчи навбатда товар ишлаб чиқарувчини рафбатлантириши ҳеч ким учун сир эмас.

Кредит хисобидан квартиralар сотиб олиш эса, ахолига уй-жойнинг тўлиқ қийматини тўплаш ва тўлашдан анча олдинроқ тураг жой муаммосини ҳал этиш имконини беради. Ипотека кредитлари бериш тизими ахолининг барча қатламларига янги квартиralар сотиб олиш учун имконият яратади. Бу эса, ўз навбатида оммавий қурилиш лойихалари амалга оширилишига, қурилиш саноати ва қурилиш материаллари саноати ривожланишига олиб боради.

Иктиносидий ислоҳотларни ҳамда республика ҳукумати қарорларини амалга оширишда етакчилик қилиб келаётган Миллий банк 2009 йилда иктиносидётнинг реал шуъбасини ва устувор йўналишларини кредитлаш, шу жумладан ипотека ва истеъмол кредитлари беришни давом эттиради. Бу кредитлар ёш оилалар, ахолининг кам таъминланган ва кенг қатламлари Банк ресурсларидан фойдаланишлари учун имконият яратди.

Ҳозирги вақтда Миллий банк томонидан ёш оилаларга имтиёзли шартларда уй-жойларни қуриш, реконструкциялаш ва сотиб олиш учун кредитлар, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар ажратиласпти.

Микрокредитлар ёш оилаларга юридик шахс мақомини олмасдан оилавий тадбиркорликни ташкил этиш, микрофирмалар, кичик корхоналар, фермер хўжаликлари, шунингдек юридик шахс мақомига эга дехқон хўжаликларининг дастлабки (бошланғич) сармоясини шакллантириш учун берилмоқда.

Банкнинг ўз маблағлари хисобидан берилган микрокредитлар бўйича фоиз ставкаси амалдаги такрор молиялаш ставкаси миқдорида, Имтиёзли кредитлаш жамғармаси хисобидан берилган микрокредитлар бўйича Ўзмарказбанк такрор молиялаш ставкасининг 50% ҳажмида белгиланаяпти.

Ҳозирги кунда Миллий банк томонидан ёш оилаларга берилаётган микрокредитлар бўйича фоиз ставкаси 14% миқдорида белгиланган.

Ипотека кредитлари уй-жой қуриш ва сотиб олиш учун – энг кам иш ҳақи миқдорининг 3000 бараваригача, уй-жойни реконструкциялаш ва кўп квартирали ўйдан квартира сотиб олиш учун – энг кам иш ҳақи миқдорининг 2500 бараваригача ҳажмда берилмоқда.

Ёш оилалар учун ипотека кредитлари бўйича асосий қарзни сўндиришнинг уч ийллик имтиёзли даври белгиланган.

Ипотека кредитлари муддати камида 15 йилни ташкил этади.

Ёш оилаларга ажратилаётган ипотека кредитлари бўйича фоиз ставкаси Ўзмарказбанк такрор молиялаш ставкасидан ошмайдиган ҳажмда белгиланмоқда.

Ҳозирги кунда ёш оилаларга берилаётган ипотека кредитлари бўйича Миллий банк томонидан қуйидаги фоиз ставкалари белгиланган:

Ипотека суммасига нисбатан гаров депозити миқдори	0%	15%	25%	35%
Кредит бўйича фоиз ставкаси (ийллик %)	14%	11%	10%	9%

Истеъмол кредитлари ёш оилаларга гаров депозити миқдорига қараб белгиланадиган, лекин Ўзмарказбанк такрор молиялаш ставкаси миқдоридан ошмайдиган фоиз ставкаси бўйича берилмоқда.

Истеъмол кредитлари бўйича асосий қарзни сўндириш учун олти ойлик имтиёзли давр белгиланган.

Ҳозирги кунда ёш оилаларга берилаётган истеъмол кредитлари бўйича Миллий банк томонидан қуидаги фоиз ставкалари белгиланган:

Кредит муддати 1 йилдан 3 йилгача	Гаров депозитининг миқдори			
	25%	30%	40%	50%
Гаров депозити бўйича ставка	2%	3%	4%	5%
Кредит бўйича ставка	14%	13%	12%	11%

Лойиҳаларни молиялаш

Лойиҳаларни молиялаш банк фаолиятининг энг мураккаб турларидан бири ҳисобланади. Миллий банк бу борада ғоят катта иш тажрибасига эга ва у қўплаб лойиҳаларни молиялаштириш ташкилотчиси бўлиб келмоқда. Улар орасида йирик инвестиция лойиҳалари ҳам, кичик бизнес лойиҳалари ҳам кўп. Лойиҳаларни молиялаш иқтисодиёт реструктуризацияланишини таъминлайди ҳамда иқтисодий мақсадга мувофиқлик ва ўз харажатларини ўзи қоплаш принципларига асосланади.

Ҳозирги вактда Миллий банк томонидан умумий қиймати 3,13 млрд. АҚШ долларини (эквивалентда) ташкил этувчи 106ta инвестиция лойиҳаси бўйича 142ta кредитга хизмат кўрсатилмоқда.

Иқтисодиёт тармоқлари корхоналарини модернизациялаш ва қайта жиҳозлаш билан боғлиқ ғоят муҳим лойиҳаларни жадал амалга ошириш борасида ҳукумат томонидан чиқарилган бир қанча қарорларни бажариш мақсадида, молиялашга қабул қилинган инвестиция лойиҳалари ҳажми кўпайтирилди. Уларнинг умумий кредит эҳтиёжи 804,21 млн. АҚШ долларидан (эквивалентда) ортиқ ёки аввалги йилдагига нисбатан 2,7 баравар кўпайди.

Миллий банк томонидан Ислом хусусий шуъбани ривожлантириш корпорацияси билан умумий қиймати 15 млн. АҚШ долларини ташкил этувчи Қарз битими, Корея Эксимбанки билан “Навоий” ЭИИЗ ҳудудида лойиҳаларни молиялаш бўйича кредит йўналиши очиш (100 млн. АҚШ доллари) ҳақида ўзаро ҳамфирлик тўғрисида меморандум, “Bank Muskat” банки билан хорижий инвесторлар, шу жумладан Омон компаниялари “Навоий” ЭИИЗ ҳудудида амалга ошираётган лойиҳаларни молиялаш учун умумий қиймати 50 млн. АҚШ доллари бўлган кредит йўналишини жалб этиш тўғрисида, шунингдек “Arab Banking Corporation” билан вакиллик муносабатлари ўрнатиш, савдони молиялаш йўналишини тақдим этиш имкониятини кўриб чиқиш ва Ўзбекистон Республикасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Бундан ташқари, Миллий банк ХХР Ҳукумати томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига, шунингдек Япония Ҳукумати томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига берилаётган грантлар бўйича ҳисоб-китоб хизматларини кўрсатаяпти. Шу муносабат билан, Миллий банк Хитой тараққиёт банки билан умумий қиймати 50 млн. юань ҳажмидаги ҳамда “Банк оғ Токио Митсубиси Лтд” билан умумий қиймати 685 млн. япон йенасини ташкил этувчи қайтарилмайдиган грантлар бўйича хизмат кўрсатиш тўғрисида Банклараро битимларни имзолади.

Миллий банк инвестицион жараён бўйича ҳамкорлар билан биргаликда ишлаш борасида тўплаган тажриба шундан далолат бермоқдаки, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда муваффақият қозониш учун алоҳида эътибор берилиши зарур бўлган бир қанча жиҳатлар ғоят муҳим аҳамиятга эга. Буларга, биринчи навбатда, инвестиция лойиҳаларини синчиклаб тайёрлаш ва инвестициялар бозоридаги изчил ҳаракатлар дастури киради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бозорнинг энг ҳаракатчан ва тез мослашувчан, ахолининг жорий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ва


тадбиркорликнинг асосий кучини ташкил этувчи соҳаси сифатида умумий тан олинган шуъба ҳисобланади. Кичик корхоналарнинг муҳим афзалликларидан бири улар иқтисодиётнинг йирик корхоналар учун самарасиз бўлган жабҳаларига кира олишидир.

Миллий банк учун кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг базавий тармоқларини молиялаш билан бир қаторда, фаолиятнинг сўзсиз устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Махаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш, юксак профессионал даражадаги меҳнат ресурсларидан фойдаланиш негизида ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга ҳамда корхоналарнинг экспорт ва импорт салоҳиятини оширишга йўналтирилувчи хорижий инвестицияларни жалб этиш молиялашнинг энг муҳим компонентидир.

2009 йилда Миллий банк кичик бизнес субъектларига хорижий кредит йўналишларининг маблағлари ҳисобидан жаъми 30,5 млн. АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратди. Хусусан, Ислом Таракқиёт Банки (ИТБ) йўналиши бўйича асосан мамлакат хусусий ва кичик бизнес шуъбаси ривожланишини рағбатлантириш мақсадида Ўзмиллийбанк томонидан жаъми 11,1 млн. АҚШ долларини ташкил этадиган 5та лойиха молияланди. Ушбу йўналишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда кичик бизнес корхоналарини молиялашнинг Ўзмиллийбанк учун мутлақо янги механизми – лизинг қўлланилади. ИТБ номидан лизинг бўйича турли товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга мўлжалланган машиналар ҳамда технологик ускуналар тақдим этилади. Лизинг операцияларидан ташқари, мазкур йўналиш доирасида пулини бўлиб-бўлиб тўлаш орқали сотиш механизми ва истисно қўлланилади.

Хитой Давлат Таракқиёт банкининг (ХДТБ) иккинчи кредит йўналиши маблағлари ҳисобидан умумий қиймати 16,8 млн. АҚШ долларини ташкил этувчи 37та лойиха молияланди. Жалб этилган маблағлардан самарали фойдаланиш ва потенциал қарз олувчилар учун қулайликлар яратиш мақсадида Ўзмиллийбанк ўзининг барча бўлимлари учун мазкур кредит йўналиши маблағлари ҳисобидан кредитлаш лимитларини белгилади. Миллий банк билан ХДТБ ўртасида имзоланган Кредит битими шартларига мувоғиқ, кредитлар саноат ҳамда ишлаб чиқариш кувватларини ёки компанияларни барпо этиш, модернизациялаш ва кенгайтиришга, жумладан импорт қилинадиган хом ашё ва материалларни сотиб олишга қаратилган лойихаларни молиялаш учун берилади.

Миллий банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига миллий валютада берилган кредитлар ҳажми ҳисбот даврида 302,4 млрд. сўмни ташкил этди.



Бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари ҳисобидан Миллий банк орқали берилган кредитлар ҳажми 2009 йил якунларига кўра 2,6 млрд. сўмни ташкил қилди.

Барча кредитлаш манбалари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига миллый валютада берилган кредитлар жорий йил бошидан буён 8,1 мингдан зиёд янги иш жойларини вужудга келтириш имконини берди.

2009 йил мобайнида Миллий банк якка тартибдаги тадбиркорлар, дехқон ва фермер хўжаликлари ҳамда юридик шахс мақомини олиб ва бундай мақом олмасдан фаолият юритаётган бошқа кичик бизнес субъектларига микрокредитлар ажартишда ҳам фаол қатнашди. Ушбу микрокредитлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва қурилиш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилди. Миллий банк 01.01.2010 йилдаги ҳолатга кўра, кредитлашнинг барча манбалари ҳисобидан жами қарийб 31,5 млрд. сўмлик 7,2 мингдан кўпроқ микрокредитлар берди.


Ушбу хизмат турига айниқса қишлоқ жойларда талаб катта ва фермер ҳамда дехқон хўжаликлари бу хизматдан бажонидил фойдаланмоқда. Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида корамол туёғи қўпайишини рағбатлантириш мақсадида, Миллий банк томонидан 01.01.2010 йилдаги ҳолатга кўра, барча кредитлаш манбалари ҳисобидан 6,6 млрд. сўмлик микрокредитлар ажратилди. Шу жумладан 5,9 млрд. сўмлик микрокредитлар банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан берилди.

Хўжаликларга ва якка тартибдаги тадбиркорларга берилган микрокредитлар, айниқса саноат марказларидан олисда жойлашган туманларда аҳолининг турмуш даражасини ошириб, оиласиб бизнес ривожланишига ёрдам беради. Шу билан бир қаторда, микрокредитлар хунармандчилик ва миллий амалий санъат кўйникмалари ҳамда анъаналарини сақлаб қолишда кўмаклашади. Фермер хўжаликларининг эҳтиёjlари учун ажратилаётган қарзлар қишлоқ жойларда янги иш жойларини ва мулкдорларнинг янги синфини вужудга келтириб, янгича турмуш тарзи ривожланишида ёрдам беради.

Чунончи, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, Миллий банк 01.01.2010 йилдаги ҳолатга кўра, барча кредитлаш манбалари ҳисобидан 27,9 млрд. сўмлик кредитлар ажратди. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва

сервис соҳасини ривожлантириш учун Ўзмиллийбанк барча кредитлаш манбалари ҳисобидан 2,1 млрд. сўмлик кредитлар берди.

**Кичик бизнес учун ажратилган кредитларнинг тармоқлар бўйича тузилиши
(Миллий валютада)**



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини қўллаб-куватлаш ишидаги Миллий банк иштироки натижаларини дўконлар пештахталарига қараб, шунингдек биринчи даражали хизматлар кўрсатиш соҳаси кенгайиб бораётганлигига ҳам кўришимиз мумкин. Зеро, бу ерда ўзимизда ишлаб чиқарилган товарлар чет элдан келтирилганлари ўрнини тобора кўпроқ эгалламокда.

ЧАКАНА БАНК

Ҳам миллий, ҳам хорижий валютадаги омонатчилар ва пластик карточка ушловчилар сони бетўхтов ўсиб бораётганлиги банк хизматлари бозорида Миллий банк маркетинг сиёсати тўғри танланганидан ва замонавий банк маҳсулотлари фаол жорий этилаётганидан далолат беради.

Чакана хизматларни ривожлантириш соҳасида Банк ҳар йили ишлаб чиқаётган сиёсат банк фаолиятининг асосий мақсадлари ва стратегиясини белгилаб беради. Бу сиёсат ишончли ресурс базасини таъминлаш ҳамда Банкнинг инвестицион фаолигини ошириш учун аҳолининг бўш маблағларини омонат ҳисобваракларига имкон қадар кўпроқ жалб этишга қаратилган.

Омонат операциялари


Миллий банк республика аҳолисига кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини режали асосда ошира бориб, 2000 йилдан буён омонатлар бозорида пешқадамлик мавқеини мустаҳкам эгаллаб турибди.

1998-2009 йиллар давомида миллий ва хорижий валютадаги депозитлар ҳажми сўм эквивалентида 1 млрд. сўмдан 295,8 млрд. сўмгача чиқди. Бу эса 2010 йил 1 январдаги ҳолатга кўра бутун республика тижорат банкларидағи депозитлар умумий ҳажмининг бешдан бир қисмини ташкил этди. Фақат 2009 йилнинг ўзида жисмоний шахсларнинг депозитларида турган миллий ва хорижий валютадаги маблағлар қолдиғи 50,5 млрд. сўм кўпайди.

Шу жумладан, миллий валютадаги депозитлар бўйича қолдиқ 192,3 млрд. сўмни, хорижий валютадагиси 103,5 млрд. сўм ёки 68,5 млн. АҚШ долларини ташкил этди.



**Жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги депозитлари ?ажмларининг динамикаси
(млн. А? Ш доллари эквивалентида)**



Миллий ва хорижий валютадаги ҳисобваракларга эга омонатчилар умумий сони 13 баравар кўпайиб, 2010 йил 1 январга келганда 2.017 мингтага етди.

Банк мижози бўлиш истагини билдирган фуқаролар сони доимий равишда кўпайиб бораётганлиги, республика аҳолисининг фаровонлиги ошаётгани, умуман банк тизимиға ва хусусан Миллий банкка ишонч мустаҳкамланаётганлигининг бевосита далилидир. Бу кўрсаткич эса, факат танланган банкнинг ишончлилиги ва барқарорлиги билан эмас, айни пайтда амалдаги қонунчилик-ҳуқуқий база билан ҳам белгиланади.

Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ этиш, тижорат банкларининг мустақиллигини ошириш, омонатчиларнинг манфаатлари муҳофаза этилишини кучайтириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари банкдаги депозитларга жалб этилишини рағбатлантириш борасида кейинги йилларда қабул қилинган бир қанча қонун ҳужжатлари ушбу йўналишдаги вазифаларни бажариш, банкка мурожаат қилаётган фуқароларнинг хоҳиш-истакларини тўла-тўқис қондириш учун банкнинг имкониятларини янада кенгайтирди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидағи омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2008 йил 28 ноябрдаги Фармони билан белгиланган тартибга кўра, омонатларнинг миқдорларидан қатъи назар, фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобваракларидаги омонатлари бўйича тўла ҳажмда ҳақ тўлаш кафолатланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2009 йил 6 апрелдаги Қарори билан тегишли Қўшимча чора-тадбирлар комплекси тасдиқланган. Уни бажариш мақсадида Миллий банк томонидан узоқ муддатли депозитлар бўйича фоиз сиёсати қайта кўриб чиқилди. 2009 йил учун жисмоний шахсларнинг бир йилдан ортиқ сақланадиган депозитлари бўйича фоиз ставкаларининг энг кам янги даражаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги такрор молиялаш ставкасининг 150%дан кам бўлмаган миқдорда белгиланди.

Чакана хизматларни ривожлантириш соҳасидаги сиёсатни юритишида Банк мижозлар базаси диверсификацияланганига, рақобатли ставкаларни белгилаш ҳамда

уларнинг ижобий даражада реал ифодаланган хажмларини сақлаб туриш йўли билан мижозларнинг манфаатлари ҳисобга олинишига, мижозлар билан узоқ муддатли муносабатлар курилишига таянади. 2009 йил давомида 29та янги депозит тури ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Шулардан 5таси пул маблағлари бир йилдан ортиқ сақланадиган депозитлардир.

Бир хорижий валютани бошқасига нақдсиз алмаштириш борасида омонатчиларга қўшимча хизматлар кўрсатиш мақсадида, Банк томонидан АҚШ доллари, Евро ва Англия фунт стерлингида очиладиган “Имтиёз” муддатли мультивалюта омонати жорий қилинди. Сақлаш муддати 13 ойни ва фоиз ставкаси йиллик 10%ни ташкил этувчи ушбу депозит бўйича омонат қолдигини юкорида кўрсатилган валюталардан исталган бирига конвертациялаш имконияти берилади.

Чакана хизматларни ривожлантириш соҳасида 2009 йил учун тасдиқланган сиёsat муваффақиятли амалга оширилиши Миллий банкка мамлакат Президентининг 2008 йил 31 октябрдаги ПҚ-991 сонли Қарорига мувофиқ республикамизда тижорат банклари ўртасида ахоли омонатларини жалб этиш бўйича ҳар йили ўтказиладиган танловда “Ахоли омонатларини жалб этиш бўйича йилнинг энг яхши банки”, “Шаҳарларда ахоли омонатларини жалб этиш бўйича йилнинг энг яхши филиали”, “Пластик карточкалар орқали иш ҳақи лойиҳаларини жалб этиш бўйича банкнинг энг яхши филиали” каби асосий номинациялар бўйича совринли ўринларни эгаллаш ҳамда “Пластик карточкалар чиқарувчи энг яхши банк” қўшимча номинациясида ғолиб чиқиш имконини берди.


2002 йилдан бошлиб Банк мижозлари – жисмоний шахсларга янги хизмат тури – коммунал ва бошқа тўловларни ихтисослаштирилган кассалар орқали қабул қилиш хизмати таклиф этиб келинмоқда. Бундай кассалар сони 2010 йил 1 январдаги ҳолатга кўра 105тани ташкил этди. Шундай операцияларни амалга оширувчи мини банклар сони 10тага етди. 2009 йилда коммунал ва бошқа хизматлар ҳақи сифатида қарийб 91 млрд. сўм қабул қилинди. Бу эса 2008 йилдагига нисбатан 1,3 баравар кўпdir.

Миллий банк 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси Банклар Ассоциацияси томонидан Тошкент шаҳри, Тошкент, Сирдарё, Наманган, Андижон, Фарғона, Жizzах, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Навоий ва Термиз вилоятларида “Омонатлар ва бизнес учун кредитлар” мавзуида ташкил этилган кўргазма-семинарларда фаол катнашди.

Ҳозирда республика минтақаларида ўтказилаётган кўргазма-семинарлар тижорат банклари томонидан тақдим этилаётган чакана хизматлар доирасини кенг ёритиш мақсадидагина эмас, айни пайтда кўргазма меҳмонлари орасида кичик сўроқлаш тадбирлари ўтказиш орқали банк маҳсулотларига бўлган талабни ўрганиш учун ҳам ташкил этилмоқда.

2001 йилдан бошлиб, банклараро жўнатмалар билан бир қаторда, Миллий банк жисмоний шахсларга ҳалқаро тизимлар орқали амалга ошириладиган тезкор пул жўнатмалари хизматини ҳам таклиф этмоқда.

Банк тезкор пул жўнатмалари бозоридаги ўз фаолиятини “Western Union” компанияси билан ҳамкорлик тўғрисида битим имзолаганидан сўнг бошлади. Ҳозирги вактда Банк бу тизим операцияларини бажаришдан ташқари, “Тезкор почта”, “Migom” ва “Азия Экспресс” тизимлари орқали, шу жумладан “CONTACT” ва “Лидер” тизимиға қўшилган вакил банкларнинг тармоғидан фойдаланган ҳолда жисмоний шахсларнинг носавдо тусидаги жўнатмалари бўйича ҳам хизматлар кўрсатаяпти.



Мижозларга хизмат кўрсатиш пунктлари ишлаётган 8 йил мобайнида умумий қиймати 680 млн. АҚШ долларини ташкил этувчи 1.093 мингдан зиёд операциялар бажарилди. Шу жумладан 2009 йилда 185 мингта операция амалга оширилди, жўнатмалар ҳажми эса қарийб 105 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

Банкнинг капиталлашув даражасини янада ошириш ҳамда ресурс базасини мустаҳкамлаш учун Банкнинг депозит ва жамғарма сертификатларини чиқариш орқали ахоли ва тадбиркорларнинг вақтинча бўш турган пул маблағларини жалб этиш ишлари фаол олиб борилди. 2009 йилда умумий қиймати 8 млрд. сўмни ташкил этувчи ютуқли жамғарма сертификатлари чиқарилди. Юридик шахслар учун 94,3 млрд. сўмлик депозит сертификатлари ва жисмоний шахслар учун 7 млрд. сўмлик жамғарма сертификатлари жойлаштирилди.

Банкнинг инвестицион фаоллигини ошириш учун банк-молия тизимининг барқарорлигини ҳамда ишончли ресурс базасини таъминлаш мақсадида, жорий йилда депозитлар рўйхатини кенгайтириш, шу жумладан янги омонат турларини жорий этиш ва ахолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш йўли билан ахолининг Банкка жалб этилаётган бўш пул маблағлари ҳажмларини янада кўпайтириш чакана хизматларни ривожлантириш соҳасидаги бош йўналиш бўлади.

Пластик карточкалар

Мижозлар билан жўшқин иш олиб борилган 18 йил мобайнида Банк ўзини янги технологияларни ва ахоли учун банк маҳсулотларини жорий этиш соҳасидаги новатор, шунингдек ҳамиша мижозларнинг истакларини эътиборга олевучи ва ўз сиёсатини уларнинг ҳар бирининг манфаатларини кўзлаб курувчи баркарор ҳамда ишончли ҳамкор сифатида кўрсатди.

Миллий банк пластик карточка ушловчиларга нақдсиз шаклда кўрсатилаётган хизматлар доирасини кенгайтириб ва такомиллаштира бориб, бу бозорда етакчилик мавқеини мустаҳкам ушлаб турибди.


Ўзмиллийбанкнинг ҳам миллий, ҳам хорижий валюталардаги пластик карточкалари ушловчиси бўлган мижозлар сони доимий равишда ўсиб бораётганлиги банк хизматлари бозорида Миллий банк ўзининг маркетинг сиёсатини тўғри танлагани ҳамда замонавий банк маҳсулотлари ва ускуналарини фаол жорий этаётгани, ўз бўлимлари ва филиалларини мунтазам равишда моддий-техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаётгани, ўз ходимлари малакасини доимий ошириб бораётганидан далолат беради.

Доимий мижозлар учун ҳам, потенциал мижозлар учун ҳам ўз хизматларининг жозибадорлигини ошириш, шунингдек аҳолининг нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимига ишончини мустаҳкамлаш мақсадида, Банк мунтазам асосда янги турдаги пластик карточкаларни ишлаб чиқаяпти ва таклиф қиласа, мижозлар инфратузилмасини ривожлантираяпти ҳамда динамик тарзда ўзгарувчи иқтисодий ва технологик омилларни ҳисобга олган ҳолда ўзининг нарх ва тариф сиёсатини шакллантирмоқда.

Ўтган йил мобайнида Банк карточка бизнесининг барча йўналишлари бўйича фаолият кўламлари кенгайишини таъминлади, мижозларга пластик карточкалар бўйича янги хизматларни таклиф қилди, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимининг самарадорлигини ва карточка маҳсулотларининг сифатини ошириди.

Банк чиқарган карточкалар сони 2010 йил 1 январга келиб 1773 минг донадан ошди. Шу жумладан миллий валютада 1744 минг дона карточка чиқарилди. Банкнинг тўлов терминаллари ва банкоматлари орқали карточкалар бўйича миллий валютада бажарилган операцияларнинг умумий ҳажми **517 млрд. сўмни** ташкил этди. Бу эса аввалги йилнинг шу давридаги кўрсаткичдан **2,5** баравар кўпdir. Миллий банк чиқарган хорижий валютадаги VISA карточкалари бўйича Ўзбекистондан ташкарида бажарилган операциялар ҳажми 8 млн. АҚШ долларидан ошди.

Сўм карточкалар эмиссияси ҳамда улар бўйича савдо-сервис корхоналарида нақдсиз бажарилган операциялар ҳажмлари



Сўм пластик карточка ушловчиси бўлган мижозлар сони доимий равишда кўпайиб бораётганлигини ҳисобга олиб, Миллий банк уларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантиришга катта маблағларни инвестициялашда давом этди. ЎзР Президентининг “Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишини янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2009 йил 6 апрелдаги ПҚ-1090 сонли Қарорини, пластик карточкалар билан ҳисоб-китоблар тармоғини кенгайтириш тўғрисидаги Марказий банк топшириғини бажариш мақсадида, Миллий банк 2009 йилда пластик карточкаларни тўлов воситаси сифатида қабул қилувчи савдо-сервис корхоналари тармоғини анча кенгайтириб, улар сонини 3.553тадан 6.394тага етказди, қўшимча равишда 3.610та терминал сотиб олиб, савдо-сервис корхоналарига ўрнатди. Шундан сўнг Ўзмиллийбанк терминаллари умумий миқдори бир йўла 2 баравар кўпайди. 2010 йил 1 январдаги ҳолатга кўра,

Миллий банк томонидан савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари, уяли алоқа хизматидан фойдаланганлик учун тўловларни қабул қилиш пунктлари, дорихоналар, автомобилларга ёнилғи қўйиш шохобчалари, авиакассалар ва темир йўл кассалари, маҳсус кассаларни қамраб олувчи республика савдо-сервис корхоналарида ва мини-банклар ҳамда банк муассасаларида “UZKART” тизими микропроцессорли пластик карточкалари эгаларига хизмат кўрсатиш учун 7.382та терминал ўрнатилди.


Савдо-сервис корхоналарида 2009 йил мобайнида миллий валютада чиқарилган карточкалар бўйича бажарилган нақд пулсиз операциялар ҳажми 445,9 млрд. сўмни ташкил этди. Бу эса, аввалги йилдагидан 3 баравар кўпdir.

Миллий банк маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ва шаҳарни ташкил этувчи корхоналар билан биргаликда, Марказий банк минтақавий бўлинмаларининг доимий кўмагидан фойдаланиб, пластик карточкалар билан ҳисоб-китобларни оммалаштириш, уларни қабул қилувчи инфратузилмани кенгайтириш, янги маҳсулотлар ва хизматларни жорий этиш, Ўзбекистон корхоналари ва ташкилотларида иш хақини сўм карточкалар орқали бериш бўйича янги лойиҳаларни амалга ошириш йўли билан пул эмиссиясини қисқартиришга қаратилган минтақавий комплекс дастурларни ишлаб чиқиб, тасдиқлаб, хаётга тадбиқ этиб келмоқда. Шундай иш хақи лойиҳаларининг сони ҳозирда 6.344тага етди. Шундан 2.264таси 2009 йилда амалга оширилди.

Пластик карточка ушловчи мижозларга хизмат кўрсатиш инфратузилмаси доимий равишда аниқ мақсадли кенгайтириб борилиши муайян натижалар берди. Ҳозирги кунда Миллий банк томонидан нақд пулсиз чакана ҳисоб-китоблар тизимининг асосий мақсади амалга оширилди. Яъни, савдо-сервис тармоғида пластик карточка бўйича бажарилган операциялар ҳажми улуши улар бўйича олинган нақд пуллар ҳажмининг улушкидан ошди ва бу кўрсаткичлар орасидаги нисбат тегишлича 86% ва 14%ни ташкил этди.

Банкоматларнинг умумий сони 102та машинани ташкил қилди. Бу эса, республика бўйича жами банкоматларнинг 50%дан кўпdir.

Сўм пластик карточкаларни тўлов воситаси сифатида қабул қилувчи савдо-сервис корхоналари миқдори кўпайиши динамикаси



Агар маблағларни ҳисобварақлардан карточкаларга туширадиган инфратузилма кенгайтирилиши имконини берувчи Гурухли ўзига-ўзи хизмат

кўрсатиш марказлари (маблағларни хисобваракдан пластик карточкага тушириш ва савдо карталарини алоқа линияси орқали инкассация қилиш учун мўлжалланган) ҳамда DUET On-Line мижоз иш жойлари (мижозларга уларнинг шахсий компьютерлари воситасида Интернет орқали ўз карточка хисобваракларига кириш ва улар бўйича операцияларни бажариш имконини беради) каби инновацион маҳсулотлар жорий этилмаганда, бу қадар кўп пластик карточка ушловчиларга хизмат кўрсатишнинг имкони бўлмасди.

2010 йил 1 январдаги ҳолатга кўра ўрнатилган DUET On-Line модуллари сони 209тани ташкил этди. Иш ҳақи лойиҳаси бўйича шартномалар тузилган барча йирик стратегик муҳим корхоналар ва ташкилотларда гурухли ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш марказлари ўрнатилган ва уларнинг сони 157тани ташкил қилди.

Бундан ташқари, ахборот технологиялари ривожланиши Банкка яна бир нечта янги инновацион маҳсулотларни ўз мижозларига таклиф этиш имконини берди. Булар – SMS-хабарлаш (карточка эгаларининг хисобвараклари бўйича бажарилаётган операциялар ҳақида уларнинг уяли телефонлари орқали sms-хабари юбориш) ва E-Mail-хабарлаш (пластик карточка эгаларининг хисобвараклари бўйича бажарилаётган операциялар тўғрисида электрон почта орқали хабар бериш).

Пластик карточкалар орқали накд пулсиз тўловлар тизимини ривожлантириш соҳасида Миллий банк эришган натижалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўtkазиш тўғрисида” 2008 йил 31 октябрдаги Қарорига мувофиқ ташкил этилган танлов доирасида баҳоланди. Бу танловда Ўзмиллийбанк 2009 йил якунларига кўра “Пластик карточкалар асосида иш ҳақи лойиҳаларини амалиётта жорий этиш бўйича йилнинг энг яхши филиали” номинациясида 1-ўринни эгаллади ва “Пластик карточкалар чиқарувчи энг яхши банк” кўшимча номинациясида ғолиб чиқди.

Visa Classic ва Visa Electron халқаро пластик карточкаларни чиқариш ва улар бўйича хизмат кўрсатиш ишлари давом эттирилди. Миллий банк томонидан чиқарилиб, муомалага киритилган карточкалар сони 2010 йил 1 январдаги ҳолатга кўра 28,8 минг донадан ошди. Visa халқаро карточкаларини тўлов воситаси сифатида қабул қилувчи 150дан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари Миллий банк терминаллари ва импринтерлари билан жиҳозланган. Ўзмиллийбанк хизмат кўрсатиш тармоғида (савдо-сервис корхоналари, банкоматлар ва накд пул бериш пунктларида) халқаро карточкалар бўйича айланмалар 2009 йил давомида 80,7 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Миллий банк чиқарган Visa карточкалари бўйича республикадан ташқарида бажарилган операциялар айланмаси қарийб 8 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Банк Visa халқаро карточкалари ушловчиларига фақат савдо-сервис корхоналари ва банк муассасалари орқалигине эмас, банкоматлар тармоғи орқали ҳам хизмат кўрсатди.



Миллий банк Ўзбекистон Республикаси “UZKART” Банклараро тўлов тизими иштироқчиси ҳисобланувчи 23та банк учун Ҳисоб-китоб банки вазифасини бажармоқда.

Фаол амалга оширилаётган стратегиянинг асосий жиҳати карточкаларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини мақбуллаштириш, мавжуд ускуналар ва дастурий таъминотдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва шу тариқа пластик карточкалар чиқариш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш дастурининг даромадлиигини ошириш принципидан иборатдир.

Банк пластик карточкалари билан нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш борасида Ўзмиллийбанк томонидан 2009 йил учун белгиланган ва бажарилган асосий устувор вазифалар куйидагилардир:

- иш ҳақи лойиҳалари доирасида корхоналар/ташкилотларнинг ходимлари учун пластик карточкалар чиқариш ҳажми кескин оширилди;
- корхоналар/ташкилотлар ходимларининг пластик карточкаларга ўtkazilaётган иш ҳақи улуши кўпайтирилиб, 50%гача етказилди;
- чакана тўловларни пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда бажариладиган нақдсиз ҳисоб-китоблар шаклига ўtkaziш минтақавий комплекс дастурларини кенгайтириш;
- янги хизматларни жорий этиш – ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш қурилмалари (банкоматлар, ахборот-тўлов киосклари) орқали уяли алоқа операторлари номига тўловларни қабул қилиш, гурухли ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш марказларини, DUEL On-Line, SMS-хабарлаш ва e-mail-хабарлаш модулларини ўрнатиш;
- коммунал ва бошқа тўловларни олувчиларнинг республика ягона электрон маълумот базасини яратиш лойиҳасида қатнашиш. Бу иш ҳар қандай пластик карточка ушловчисига коммунал ва бошқа хизматлар ҳақини исталган банкомат ёки инфокиоскда тўлаш имконини беради;
- visa халқаро карточкалари учун EMV чипли технологияларига ўтиш доирасида Банкнинг процессинг марказини модернизациялаш;
- фуқаролардан пластик карточкалар воситасида коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилиш учун мўлжалланган инфокиосклар орқали мижозларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини кенгайтириш;
- банкоматлар паркини модернизациялаш ва кенгайтириш;
- пластик карточкалар билан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қилиш процессинг тизимларини дастурий-техник модернизациялаш.

Ушбу вазифалар ҳал этилиши бутун республика фуқароларининг кундалик турмушига пластик карточкаларни жорий этиш йўли билан шундай карточкалар асосидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш имконини берди. Бу эса, ахолининг банкларга ишончини анча мустаҳкамлади ҳамда Банк пластик карточкаларининг энг замонавий ва бехатар нақдсиз ҳисоб-китоблар усули сифатидаги жозибадорлигини оширди.

ИНВЕСТИЦИЯ БАНКИ

Мамлакат раҳбарияти томонидан қабул қилинаётган чора-тадбирлар туфайли, ҳозирги кунда Республика тижорат банкларининг хорижий инвесторлар учун жозибадорлиги янада ошмоқда. Бу ҳолат Ватанимизнинг кредит муассасалари мамлакат доирасидагина эмас, ундан ташқарида ҳам ишонч қозонгандигидан далолат беради.

Ўзмиллийбанк мамлакатдаги энг катта инвестиция банки ҳисобланади. Унинг ривожланган инфратузилмаси Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларни фаол қўллаб-кувватлаётган молия ва саноат шуъбалари ривожланишида ёрдам бераяпти.

Банк республиканинг стратегик мухим корхоналари акциядорлари таркибига кириш орқали иқтисодиётнинг турли шуъбаларига мансуб корхоналарни инвестициялаш, модернизациялаш, технологик ва техник қайта жиҳозлаш жараёнларида ўз сармояси билан иштирок этмоқда.

Миллий банк қимматли қофозлар бозорида брокерлик, андеррайтинг, давлат қимматли қофозлари ва корпоратив қимматли қофозлар портфелларини шакллантириш каби турли хизматларни тақдим этаяпти, Банкнинг ўз қимматли қофозларини чиқарайпти.

Миллий банк йирик корхоналарга андеррайтинг хизматлари кўрсатиш, траст, брокерлик, РЕПО операцияларини бажариш, шунингдек инвестицион-банк хизматлари комплексини тақдим этиш йўли билан маслаҳат хизматлари кўрсатиш фаолиятини кучайтирган.

2010 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, Банк корхоналарнинг акциялари ва улушларини сотиб олиш йўли билан уларнинг устав сармояларига инвестициялар шаклида йўналтирган жами қўйилмалар 356,5 млрд. сўмни ташкил этди. Йил бошида бу кўрсаткич 39,30 млрд. сўм эди. Ҳисобот йилида Банк инвестиция портфелининг ўсиши 317 млрд. сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткичга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4053 сонли Фармони ҳамда “Тижорат банкларига иқтисодий ночор корхоналарни сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги 4010 сонли Фармойишини бажариш доирасида Банк томонидан Макроиктисодий мувозанатни ва иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини, иқтисодиёт тармоқлари барқарор ишлашини таъминлаш бўйича инқирозга қарши дастурни амалга ошириш натижасида эришилди.

Юқоридаги хужжатларга мувофиқ, Миллий банк томонидан банкрот корхоналар мулкини Банк балансига қабул қилиш, уларнинг негизида Банкнинг шуъба корхоналарини вужудга келтириш ва ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш юзасидан муайян чора-тадбирлар амалга оширилди.

Банклар банкрот корхоналар молиявий соғломлаштирилиши ва тикланишини, улар техник ва технологик жиҳатдан модернизацияланиши ҳамда қайта жиҳозланишини, ташқи ва ички бозорларда рақобатлаша оладиган маҳсулот ишлаб чиқариш ташкил этилишини таъминлаш бўйича инвестицион мажбуриятлар олганлиги минтақавий иқтисодиётни янада мустаҳкамлашнинг мухим амалий омилларидан биридир.

Банк балансига қабул қилинган 59та корхона бўйича:

- 15та корхонанинг жами 417,76 млрд. сўмлик мол-мулки потенциал инвесторларга сотилди ва бунинг натижасида, тузилган шартномалар шартларига мувофиқ, 106,53 млрд. сўмлик қарз сўндирилди;
- Банкнинг 27та шуъба корхонасида ишлаб чиқариш фаолияти бошланди;

- 17та корхонада уларни янги мулқорларга сотиши ишлари олиб борилаяпты ёки ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш юзасидан бизнес-режалар ишлаб чиқылмоқда.

2010 йил 1 январдаги ҳолатга күра, банкрот корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, модернизациялаш ва уларни зарур айланма сармоя билан таъминлаш учун 17,9 млрд. сүм миқдоридаги маблағлар ажратилди.

Шунингдек, Банк томонидан банкрот корхоналар негизида ташкил этилган шуъба корхоналарнинг активларини инвестиция компаниялари орқали самарали бошқаришнинг таъсирчан тизими йўлга қўйилди. Устав (жамғармаси) сармояси 72 млрд. сўмдан ортиқ бўлган бу “NBU Invest Group” ва “NBU Investment” очиқ акциядорлик жамиятларига Банкнинг банкрот корхоналар негизида ташкил этилган 23та шуъба корхонаси ишонч асосида бошқариш учун берилган. Мазкур компанияларнинг асосий вазифалари корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклаш, уларни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ҳам ички, ҳам ташки бозорлар учун мўлжалланган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминлашдан иборатидир.


Янги ташкил этилган корхоналарга юксак малакали менежерларни, шу жумладан хорижий мутахассисларни жалб этиш бўйича самарали иш олиб борилаяпти.

Юқоридаги тадбирлар амалга оширилиши натижасида, Банкнинг банкрот корхоналар мол-мулки негизида ташкил этилган шуъба корхоналари томонидан қарийб 40,0 млрд. сўмлик товарлар ишлаб чиқарилди, 17,2 млн. АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот экспорт қилинди ва 4.329та янги иш жойи яратилди.

Республикада маҳаллий тўқимачилик корхоналари ишлаб чиқарадиган тайёр тўқимачилик маҳсулотларини тайёрлаш комплекс циклини яратиш мақсадида, Миллий банк томонидан Жиззах вилоятида замоавий ускуналар билан жиҳозланган тўқимачилик комплекси барпо этилмоқда. Мазкур вазифани амалга ошириш учун 40,0 млрд. сўмдан зиёд маблағларни инвестициялаш режалаштирилмоқда. Бу иш натижасида 600та янги иш жойи яратилади, шунингдек ҳар йили 47,0 млрд. сўмлик тайёр тўқимачилик маҳсулоти ишлаб чиқарилади.

Шуъба корхоналар ҳисобига Банк қўйилмалари ўсиши инвестициялар портфели тузилишида ўзгаришлар юз беришига олиб келди. Бу кўрсаткичлар 2010 йил 1 январдаги ҳолатга кўра қўйидагича бўлди:

2010 йил 1 январдаги ?олатга кўра банк ?ўйилмаларининг тармо? тузилиши



Банк портфелининг катта қисми (68,6%) асосан банкрот корхоналар негизида ташкил этилган шуъба корхоналардан иборатдир.

Шунингдек, Банк томонидан молия бозори муассасаларини ривожлантиришга катта эътибор берилаяпти. Хусусан, инвестицияларнинг аксарият қисми банк шуъбасига (6,35%), лизинг компанияларига (1,42%), шунингдек сугурта компанияларига (0,70%) йўналтирилган.

Иқтисодиёт реал шуъбаси корхоналарини қўллаб-қувватлаш Банкнинг инвестиция фаолиятида алоҳида аҳамиятга эга. Миллий банк бир қанча корхоналарнинг акциядоридир. Булар – “Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси” ДАЖ (1,4 млрд. сўм), “Ўзавиализинг” ОАЖ (1 млн. АҚШ доллари ва 750,7 млн. сўм) ва “Ўзметкомбинат” АИЧБ (1.766,9 млн. сўм).

Қимматли қоғозлар ва улушларга инвестицияларни амалга оширишда Банк юритаётган инвестиция сиёсати, фаолият миқёсларини кенгайтириш, қўшимча мижозларни жалб этиш билан бир қаторда, асосий мезон сифатида фонд портфелининг даромадлилиги таъминланишини кўзда тутади. 2009 йил якунларига кўра қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича Банк олган даромадлар 1.639,4 млн. сўмни ташкил этди.

Бундан ташқари, Банкнинг ЎзР Молия вазирлиги чиқарган давлат қимматли қоғозларига қўйилмалари 1,379 млрд. сўмни ташкил қилди. Улар бўйича 103,9 млн. сўм даромад олинди.

Миллий банк траст, брокерлик хизматларини тақдим этиш, шунингдек маслаҳат хизматлари кўрсатиш фаолиятини кучайтирди. Брокерлик хизматлари бўйича 1,1 млн. сўм даромад олинди. Шунингдек, 7,5 млн. сўм қийматида маслаҳат хизматлари кўрсатиш тўғрисида шартнома тузилди.

БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ РИВОЖЛАНИШИ

Миллий банк молиявий кўрсаткичлари ўсишининг ижобий динамикаси кўп жиҳатдан ривожланган ахборот инфратузилмасининг натижасидир. Ҳисобкитобларни тезкор амалга ошириш, ғоят катта ҳажмдаги маълумотларни хисобга олиш, сақлаш ва ишлов бериш, ахборот тақдим этиш соҳасидаги хизматлар сифатининг юксак даражада бўлишини таъминлаш, ресурсларни мослашувчанлик билан оператив бошқариш зарурати – мана шулар замонавий молия-иктисод ташкилотлари томонидан ахборот тизимлари бажариши талаб қилинаётган асосий вазифалар рўйхатидир.

Миллий банк шу даражадаги ахборот тизимларининг олдига қўйилаётган ҳалқаро стандартларга жавоб берувчи ривожланган ахборот инфратузилмасига эга. Автоматлаштирилган банк тизими молиявий ресурсларни керакли соҳаларга жамлаб, Банк ресурсларини бошқариш, Банк бўлинмалари оператив тарзда бошқарилишини таъминлаш имконини беради. Банкнинг асосий тизимлари ишончли ишлашига кластерли ечимлар асосида резервлаш орқали эришилган. Бу ҳолат бир ёки бир нечта сервер ишдан чиқкан тақдирда ҳам, Банкнинг иши тўхтаб қолмаслигини таъминлади.

Миллий банк янги филиалларни умумий корпоратив тармоққа уйғунликда киритиш имконини берувчи, яхши лойиҳаланган, сифатли структураланган тармоқ инфратузилмасига эга. Тармоқни шакллантиришда асос қилиб олинган принциплар ва протоколлар, тармоқ ускуналарининг конфигурацияси ахборот тармоғига узоқ вақт мобайнида жаҳон стандартлари даражасида қолиш имконини беради. Шу билан бирга, улар тармоқ иши самарадорлигини ошириш учун кенг потенциал имкониятларга эга.

“Глобус” автоматлаштирилган банк тизими Банк марказий муассасаларининг ресурсларини бошқариш, бунда зарур молиявий ресурсларни керакли йўналишларга жамлаш учун имконият яратади. Шунингдек у миқёслаш имкониятига эга. Ушбу тизимда раҳбар ходимлар энг тўғри қарорларни қабул қилишлари учун уларга кенг имкониятлар берувчи таҳлил функциялари кўзда тутилган.

Шу билан бирга, жаҳондаги ахборот технологиялари ривожланиши тенденцияларини хисобга олиб, Банк мутахассислари томонидан Банкнинг ахборот тизимларини такомиллаштиришга доир янги лойиҳалар амалга оширилаяпти. Буларга аввало куйидагилар киради:

- Тошкент шаҳридаги филиалларнинг Ўзмиллийбанк Маълумот узатиш корпоратив тармоғидаги (МУКТ) иши узлуксизлигини ошириш. Мазкур лойиҳа амалга оширилиши юқоридаги филиаллар банк хизматларини тақдим этишда қўлланиладиган ахборот ресурслари ва сервислар билан МУКТ орқали ишлаши ишончлилигини анча ошириш имконини берди;
- интернет-банкинг жорий этилиши. Ушбу лойиҳа Банкнинг R-bank хизматига уланган мижозларига Ўзбекистон Республикасидаги Интернет ҳалқаро тармоғига уланиш мумкин бўлган ҳар қандай жойдан туриб ишлаш имконини берди;
- ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг мавжуд воситаларини ягона тизимга бирлаштирган марказлаштирилган ахборот-таҳлил инфратузилмасини жорий этиш. Марказлаштирилган ахборот-таҳлил архитектураси жорий этилиши билан барча нохуш вазиятларни кузатиб бориш, уларни муҳимлик даражасига қараб ажратиш имконияти пайдо бўлди. Статистика маълумотлари корреляцияланиши ва таҳлил қилиниши ахборот хавфсизлигини таъминлаш техник воситалари ҳамда алгоритмлари самарадорлигини мақбуллаштириш ва баҳолаш имконини беради;

- Миллий банк мутахассислари “WS Personal” (“Веб-сфера Персонал”) электрон тизимини ишлаб чиқдилар. Ундан кўзланган мақсад Банк доирасида унинг ходимларини ҳисоботларни тўплашнинг автоматлаштирилган шакллари, зарур маълумотларни олиш ва таҳлил қилиш билан боғлиқ on-line тизимлар билан таъминловчи ягона ахборот-таҳлил фазосини яратишдан иборат. Шунингдек, мазкур тизимга таянган ҳолда кадрларга оид ахборот электрон ҳисобини юритиш ҳамда ИАТТ тизимида зарур ҳисббот шаклларини тақдим этиш тизимини автоматлаштириш режалаштирилаяпти.

Банк ходимлари ушбу йўналишда уюшқоқлик билан иш олиб бораётганликларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Юксак малакали профессионаллар командаси Банкнинг ахборот тизимлари ишини, янги, энг истиқболли технологиялар жорий этилишини таъминламоқда. Бу эса, Миллий банкнинг юксак даражадаги рақобатбардошлигини таъминлайди.

БАНК ХОДИМЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки кадрлар сиёсатининг бош принципи етакчи ходимларни сақлаб қолиш ва профессионал ҳамда шахсий сифатлар борасидаги юксак талабларга жавоб берадиган янги ходимларни жалб этишдан иборатдир. Банк ўз ходимларини стратегик актив деб ҳисоблади. Банкнинг кадрлар сиёсати жамоанинг самарали ишини ташкил этишга қаратилган. Зеро, Банк олдига қўйилган вазифалар бажарилиши ва унинг мақсадларига эришилиши жамоанинг фаолиятига боғлиқ.

Хозирги вақтда Миллий банкда 90та таркибий бўлинма, шу жумладан Ўзмиллийбанк Марказийофиси, 13та вилоят бўлими, 1та шаҳар бўлинмаси (Тошкент шаҳар бош бошқармаси) ва 76та филиал ишлаб турибди.

Ўзмиллийбанк тизимида 2010 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, 6.440 киши ишламоқда.

Хозир Ўзмиллийбанк кадрларини тайёрлаш стратегияси Банк ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада ривожлантиришга қаратилган. Миллий банк кадрлар малакасини ошириш тизимини барпо этишда оператив талаблар ва стратегик манфаатларга таянади. Кадрлар резервини тайёрлаш масаласига катта эътибор берилаяпти. Бу резерв таркибига Банк тизимининг 300дан зиёд истиқболли мутахассислари киритилган.

Ўзмиллийбанк кадрларини тайёрлаш ишлари банк фаолиятининг турли йўналишлари бўйича олиб борилмоқда. Булар, хорижий шерилклар билан ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида хорижий хизмат сафарлари ташкил этиш (халқаро банк семинарлари, конференциялар, кўргазмаларда қатнашиш), МБЎМ курсларида ўқитиши, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ўқитиши, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида ўқитиши, банк кадрларининг малакасини ошириш мақсадида ЎБА, Ўзмарказбанк ва бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилаётган ихтиослаштирилган қисқа муддатли семинарларда қатнашиш каби йўналишлардир.

Миллий банк ўз ходимларига хизмат поғоналарида қўтарилиш ва доимий равишда профессионал жиҳатдан такомиллашиб имкониятини таклиф этади. Шу мақсадда Ўзмиллийбанк мутахассисларининг малакасини ошириш учун маҳсус очилган марказ ишлаб турибди. Унда 2009 йил мобайнида 222 нафар мутахассис ўқитилди. Ҳисобот даврида ушбу Марказда хозирги вақтда банк учун энг долзарб бўлиб турган 16 курс бўйича машғулотлар ташкил этилди. Анъанавий ўқитиши шакли билан бир вақтда ҳисобот даврида сайёр семинарлар ҳам ўтказилди. Бундан ташқари, бўлимлар ва филиалларнинг бошқарувчи ҳамда бош бухгалтер лавозимига тавсия этилаётган 55 нафар мутахассиси якка тартибда тайёргарликдан ўтказилиши ташкил қилинди.

Тошкент Молия институти билан имзоланган Ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ, шу институт 4-босқич талабалари орасида танлов ўтказилди. Натижада “банк гурухи” шакллантирилиб, бу гуруҳ билан 48 соат лекция машғулотлари ўтказилди. Қобилиятли талабалар Банкнинг юқори малакали мутахассисларидан тузилган маҳсус комиссия томонидан танлаб олинади. Дастрлабки сұхбат жараёнда талабаларнинг назарий тайёргарлиги, чет тилларни билиши, ҳар хил иқтисодий семинарлардаги иштироки, эълон қилинган нашрлари ва мақолалари мавжудлиги ҳисобга олинади, шунингдек бошқа интеллектуал қобилиятлари аникланади. Ўқиш тамомланганидан кейин улар орасидан энг муносиблари Ўзбекистон Миллий банки муассасаларига ишга қабул қилинади.

Шу билан бир қаторда, Миллий банк билан Тошкент Молия институти ўртасида 2009 йилда банк мутахассисларини мақсадли тайёрлаш ва малакасини ошириш

бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисида 2008 йил 6 декабрда тузилган 1476/ПК сонли шартномага мувофиқ, Тошкент Молия институтининг Малака ошириш институтида ташкил этилган 2 ҳафталик курсларда Ўзмиллийбанк Тошкент шахар бош бошқармаси ҳамда Тошкент вилоят бўлумининг 30дан зиёд мутахассиси малака оширди.

ТАСВИРИЙ САНЬАТ ГАЛЕРЕЯСИ

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясининг 2009 йилдаги фаолияти ўтказилган турли маданий тадбирларга бойлиги ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Қишки мактаб таътили кунларида Миллий банк ходимлари фарзандларининг ҳамда ёш рассом Ли Анжеликанинг шахсий кўргазмаси ташкил этилди.

“Россотрудничество” ваколатхонаси ва “Колибри” арт-бюроси билан биргалиқда болалар учун байрам тадбири ўтказилди. Тадбир дастури болалар ижоди кўргазмаси, болалар модаси намойиши ва концерт дастурини ўз ичига олди. 1 июнь – Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунига бағишлиланган болалар расмлари кўргазмаси ва концерт дастури бўлиб ўтди. “САНВИКТ” ногирон болалар бадиий маркази ва “Софлом авлод учун” МНФ билан биргалиқда ёш рассом Фахриддин Яхшиевнинг хайрия кўргазмаси ташкил этилди.

Ўтказилган тадбирлар натижасида кўплаб томошабинлар иқтидорли ёшларнинг изланишлари билан танишдилар. Бу асарлар мустақил Ўзбекистон томонидан ижодкор ёшларни қўллаб-куватлаш борасида аниқ мақсадни кўзлаб юритаётган маданий сиёsatни намойиш этади.

Шунингдек, 2009 йилда Галерея томонидан яна бир қанча тадбирлар ўтказилди. Булар: “Замонавий санъат 5-Тошкент халқаро биеннале” (15.10-22.10.2009 й.); Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида очилган “5+1” ижодий гурухининг “Вертикаль” долзарб санъат кўргазмаси; БМТнинг Ўзбекистондаги Ривожланиш Дастури билан биргалиқда ташкил этилган “Янги аёл. Ўзбекистон. XX аср” фотокўргазмаси; Ўзбекистон рассомлари гурухининг “Pastelo” кўргазмаси; профессор Х.Н.Бобобековнинг хусусий коллекциясидаги қўллэзма китоблардан иборат “Шарқ қўллэзма китоби” кўргазмаси.

Ҳайкалтарош Баёт Мухторовнинг “Танилмаган муҳаббат шеърияти” шахсий кўргазмаси, графикачи ва ҳайкалтарош Гулзор Султонованинг “Яна муҳаббат ҳақида” шахсий кўргазмаси, ўзбекистонлик ёш мусаввир Бобур Исмоиловнинг шахсий кўргазмаси, Қирғизистон Халқ рассоми Г.Айтиев номидаги Қирғизистон миллий музейи директори Ю.Шигаевнинг “Кўчманчи” деб номланган шахсий кўргазмаси, Наврӯз байрамига бағишлилаб ташкил этилган Ўзбекистон етакчи ҳайкалтарошларининг кўргазмаси, Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишлиланган “Гўзал Тошкентим” кўргазма-танлови, “Ўзбекистон музейлари” туркумига кирган, Халқаро музейлар кунига (18 май) бағишлилаб, Андижон музейи тўпламидан уюштирилган кўргазма каби тадбирлар Ўзбекистон замонавий тасвирий санъатидаги турли ижодий индивидуалликлар ҳамда йўналишларни намойиш этишга бағишлианди.

Галерея 2009 йилда фақат миллий санъатни намойиш этишга эмас, айни пайтда Ўзбекистон кенг жамоатчилигини чет мамлакатлар санъатининг турли қирралари билан таништиришга ҳам катта эътибор қаратди. Хусусан, Хорижий алоқалар институти (IFA) ва Гёте институти билан ҳамкорлика жаҳонга танилган рассом Гюнтер Юккернинг “Изтиробдаги инсон. Овутишнинг 14 усули” шахсий кўргазмаси ташкил қилинди. Украина маданият маркази билан биргалиқда рангтасвир устаси Елена Бондаренконинг “Коинот уйғунлиги” шахсий кўргазмаси ўтказилди.

2009 йил мобайнида Галерея залларида мунтазам равишда Миллий банк коллекцияси намойиш қилинди, томошабинларнинг турли гуруҳлари учун экспурсиялар ўтказилди, анъанавий тарзда II Жаҳон уруши иштироқчилари ва меҳнат фахрийлари учун байрам тадбирлари бўлиб ўтди. Галереяда доимий асосда болалар бадиий ижодиёти студияси ишлаб турибди. Ушбу студия ўқувчиларининг ишлари Тасвирий санъат галереясида ўтказилаётган барча болалар кўргазмаларида намойиш қилинмоқда.

Галерея ўзи очилган вактдан буён ўтган даврда мамлакатнинг нафақат республикада, балки чет элларда ҳам танилган ўзига хос маданий марказига айланди ва пойтахтимизнинг бадиий ҳаётида муносиб ўрин эгаллашга муваффат бўлди. 2009 йил якунлари Галерея фаолиятининг бундан буёнги истиқбол режаларини белгилаш имконини беради.

2010 ЙИЛ УЧУН ВАЗИФАЛАР

Миллий банк – Республикада олиб борилаётган иқтисодий ўзгартишларнинг фаол иштирокчиси. Шу муносабат билан, Инвестиция фаолиятига доир, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат дастурлари, маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағлари депозитларга жалб этилишини рағбатлантириш дастурлари унинг фаолиятидаги асосий йўналишлардир.

Юқори даражада капиталлашган, катта нуфузга, ривожланган мижозлар ва ресурс базасига эга бўлган Миллий банк энг замонавий технологиялар ва маҳсулотларни мунтазам равишда жорий этиб, келажакка дадил боқмоқда ҳамда ўз тажрибасига таяниб, бундан буёнги молиявий ўсишнинг тўғри стратегиясини куришга кодир.

Чунончи, Банк томонидан 2010 йил учун ривожланишнинг қуйидаги устувор вазифалари белгиланди:

- Банкнинг инвестицион фаоллигини ошириш, мамлакат иқтисодиётининг барча стратегик муҳим тармоқларидағи ўз иштирокини кенгайтириш;
- Банкнинг капиталлашув даражасини янада ошириш;
- иқтисодий ночор корхоналарни молиявий жиҳатдан соғломлаштиришда, тиклашда, ишлаб чиқаришнинг янги даражасига ўтказишида ва рақобатбардош маҳсулот чиқара бошлишида бундан буён ҳам кўмаклашиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, шу жумладан агросаноат комплекси субъектлари ривожлантирилишини қўллаб-қувватлаш;
- тақдим этилаётган хизматлар миқдорини кўпайтириш;
- чакана йўналишни янада ривожлантириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағлари банк шуъбасига жалб этилишини рағбатлантириш;
- фонд бозоридаги хизматлар доирасини кенгайтириш.